

Миллий ғурур,
миллий ифтихор
ҳар қандай
ишимизнинг
пойдевори бўлмоғи
керак.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqqa boshlagan 2010-yil 16-oktabr, shanba № 81 (8314) ISSN 2010-6416

Majburiy beril nuxsa

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун эл-юртимиз ҳаётида қувонч-ли бир кун. Мамлакатимиз пахтакор-лари 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, кат-та меҳнат ғалабасини қўлга кирит-дилар.

Ҳақиқатан ҳам улкан ва шарафли меҳнат самараси бўлмиш мана шун-дай маррага эришганингиз билан ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган сиз, азми қатъий деҳқон ва фермерларимизни, барча қишлоқ меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин мен учта муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Авалло, қишлоқ меҳнаткашларининг юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатиб, ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш ҳисобидан бу йилги ҳосилни пахтачилик тарихимизда кам учрайдиган гоят қисқа муддатда йи-ғиб-териб олишга эришганини мам-нуният билан таъкидлаш лозим.

Қўлга киритилган бу ютуқнинг эътиборли иккинчи томони шуки, етиштирилган пахтанинг асосий қисми юксак сифат билан тайёрлан-ди. Мамлакатимиз бўйича биринчи навга топширилган пахта хомашёси-нинг улуши тахминан 90 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг яққол тас-дигидир.

Яна бир диққатга сазовор томо-ни — бу йил пахтачиликда ҳосилдор-лик даражаси сезиларли равишда ошгани барчамизни қувонтиради. Жорий йилда мамлакатимиз бўйи-ча ўртача ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 4 фоизга ошиб, гектари-дан 26,3 центнерни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.

Бундай муҳим ютуқ авваламбор барчамизни боқадиган еримизнинг унумдорлиги, шу билан бир қатор-да, қишлоқ хўжалигида меҳнат са-марадорлигининг тобора ортиб бо-раётганидан дарак беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун мана шундай қутлуғ айём-да мамлакатимизнинг юксак хирмо-нига муносиб ҳисса қўшган вилоят-

лар, туман ва фермер хўжаликлари-нинг номларини ҳурмат билан тил-га оламиз.

Бу йилги мавсумда Навоий ви-лояти, Қорақалпоғистон Республика-си, Андижон, Сурхондарё, Қашқа-дарё ва Бухоро вилоятларининг пах-такорлари шартномавий мажбури-ятларни қисқа муддатларда ортиғи билан адо этгани учун ҳар қанча та-саннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу борада Амударё, Пахтаобод, Кумқўрғон, Сариосиё, Вобкент, Гур-лан туманлари сентябрь ойида, Ке-гейли, Олтинқўл, Избоскан, Роми-тан, Шахрисабз, Муборак, Қизилте-па, Навбахор, Нарпай, Денов, Хонқа туманлари эса октябрь ойининг бо-шида, 20-25 иш кунини биринчилар қаторида режаларни бажариб, бош-қаларга ўрناق бўлдилар.

Юқори сифат кўрсаткичларига эришган Қашқадарё, Бухоро ва На-воий вилоятларида пахтанинг 90-94 фоизи, Шахрисабз, Косон, Вобкент, Қоровулбозор, Қизилтепа, Амударё, Нарпай, Кумқўрғон, Сариосиё каби туманларда эса 94-97 фоизи бирин-

чи навга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Ҳосилдорлик бўйича юксак нати-жаларни қўлга киритган Қанликўл туманидаги "Ганжебек", Булоқбоши туманидаги "Бароқа ҳосил самараси", Ромитан туманидаги "Тўхтаму-род", Касби туманидаги "Кенжа бобо Эгамбердиев", Каттақўрғон ту-манидаги "Ҳосил", Денов туманида-ги "Маматмурод Ҳотамов", Арнасой туманидаги "Сангзор", Навбахор ту-манидаги "Муслим Мадаминов", Чи-ноз туманидаги "Ҳикматилла Йўлдо-шев", Олтиариқ туманидаги "Нуро-бод", Наманган туманидаги "Навба-ҳор намунаси", Сирдарё туманида-ги "Тинибек бобо", Хонқа туманида-ги "Бекажон Собирова" каби фер-мер хўжаликларида — бундай аж-ойиб ютуқларга эришган хўжаликлар сонини яна кўплаб келтириш мумкин — гектаридан 45—50 центнер ва ун-дан ҳам юқори ҳосил олинганининг ўзи деҳқончилигимиз тарихига янги саҳифа бўлиб кириши шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 19—20 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томон-

ларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳами-ятга молик долзарб муаммолар муҳокама қили-нади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожланти-ришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжат-лар имзоланиши режалаштирилмоқда.



МИЛЛИЙ ҒУРУР, ИФТИХОР КОШОНАСИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги музейлар ташкил этилиб, маданий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди. Улар орасида Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилишини жаҳоншумул воқеа деб баҳолаш мумкин.

Биз яшайтган шу муқаддас заминда буюк сал-танатга асос солган, номи етти асрда машҳ-ур бўлган улуғ Соҳибқирон Амир Темури истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди.

(Давоми 7-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ:

улардан қандай фойдаланялмиз?

3-бет

ОНА АППАСИДА ҲАЁТ ИФОРИ

8-бет

Диққат, янги руки: Аждодлар одоби

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

Шарқ — ҳикматларга бой ғаройиб бир дунё. Бу муқаддас заминда жаҳон тан ол-ган не-не донишмандлар яшаб ўтган. Улар-дан эзгу фикрлар, инсоний ғоялар, ўлмас урф-одатлар, гўзал расм-русумлар авлодлар-га мерос бўлиб қолган. Бу юксак қадрият-лар бугун — XXI асрда ҳам бизга руҳий ма-дад бериб турибди, қоримизга ярамоқда; улар ҳаётимизга мазмун бағишлаб, куч-ғайра-тимизни оширмоқда. Айниқса, ҳозирги пай-тда баркамол авлод тарбиясига катта эътибор қаратилаётган мамлакатимизда боболаримиз маънавий меросининг қадр-қиммати ҳар қачонгидан ҳам баланд бўлмоқда, эъзоз топмоқда. Серғайрат йи-гит-қизларимиз аждодларнинг ана шу эзгу анъаналарини собитқадамлик билан давом эттиришлари, мазмунан бойитиб боришлар-и гоят зарур.

Янги руки — «Аждодлар одоби» ҳам бу йўлда хайрли хизмат қилади, деб ишонамиз.

14-бетга қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўпчиликнинг эътиборини, ҳайрат ва ҳавасини уйғотадиган, жорий йилда эришган ютуқларимиз негизда ётган меzon ва омиллар ҳақида алоҳида гапиришни зарур деб биламан.

Аввало, бунинг замирида кейинги йилларда гўза селекцияси масаласига катта эътибор қаратиб, Ўзбекистоннинг ҳар қайси ҳудуд ва минтақасига мос бўлган, касалликларга чидамли, эртапишар ва серҳосил, юқори даромад берадиган навларни яратиш ва танлаш, уларни районлаштириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз мужассам экани барчамизга аён.

Айни вақтда замонавий агротехнологияларнинг жорий этилгани, ҳосилни зараркундалардан ҳимоя қилишда биологик усуллардан кенг фойдаланилгани, барча агротехник тадбирлар, жумладан, дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани ютуқларимизда ҳал қилувчи омил бўлганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бундан уч йил олдин қабул қилинган, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган дастуримизнинг аҳамияти, моҳияти ва самарасини, ўйлайманки, баҳолашнинг ўзи қийин. Бу фикр-

нинг тасдиғини қуйидаги рақамлар яққол ифода этади. 2008-2010 йиллар давомида мамлакатимиз бўйича 37 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, 35 минг километрлик туманлар ва хўжаликлараро коллектор ва дренаж тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 740 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг учун мамлакатимиз бўйича тахминан 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилганининг ўзи бу масалага қандай катта эътибор бераётганимизнинг исботидир.

Албатта, кўлга киритган ютуқларимизнинг пойдевори бўлган, улкан маблағ, куч ва имкониятларни талаб қиладиган бундай дастур ва тадбирлар ҳақида гапиришимиз табиий. Лекин, қишлоқ хўжалиги соҳасини самарали бошқаришни замонавий даражага кўтариш йўлида чуқур ислохотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уни деҳқончиликнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш, шунинг ҳисобидан далада ишлаётганларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бу борада энг муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз бугунги кунда деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқараши тобора юксалиб, ерга, меҳнатга муноса-

бати тубдан ўзгариб, уларда ўз ерига ҳақиқий эгаллик ҳиссиётининг кучайиб бораётганини қишлоқ ҳаётини обод ва фаровон этишнинг, эл-юртимиз кўлга киритаётган барча марраларнинг асосий шартини гарови деб биламиз.

Ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай ютуқнинг пировард натижаси даромад билан — бу қишлоқ хўжалик ходими ёки оддий деҳқоннинг даромади бўладими, туман ёки вилоят, қолаверса, давлат бюджетига тушадиган маблағ бўладими — ҳамма қилаётган ишларимизнинг самараси даромад ва яна бир бор даромад билан ўлчанади. Шу маънода, бу йил пахтачиликдан олинадиган умумий даромад тахминан 2 триллион сўмдан зиёд бўлиши ва ўтган йилга нисбатан 35 фоизга кўпайиши кутилаётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Халқимизда даромадга яраша буромад, деган оқилона ҳикмат бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, кўлга киритган даромад ҳисобидан янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт масканларини қуриш, қишлоқларда қулайлик нуқтаи назаридан шаҳардагидан асло кам бўлмаган

замонавий уй-жойлар барпо этиш, йўлларни таъмирлаш, аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш борасида олдимизда катта имконият ва уфқлар пайдо бўлишини барчамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Мана шу хурсандчилик дамларида барчамизни ёруғ кунларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, биздан марҳаматини дариг тутмасдан, ҳаммиша йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сизларни, бутун халқимизни бугунги катта ғалаба билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва кут-барака тилайман.

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Мамлакатимизда тўрт йилдан бери анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Ахборот-коммуникацион технологиялар» («АКТ-2010») халқаро конференцияси бу гал ҳам қизиқарли ва жўшқин руҳда ўз ишини бошлади. Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш масалалари бўйича билим ва тажрибалар алмашиш мақсадида ташкил этилаётган анжуман тантанали равишда очилди. Конференция Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари уни-

мутахассислар иштирок этди.

Конференция орқали бир-бирига ҳамфикр олимлар ҳамда муҳандисларни бир жойга жамлаб, соҳанинг мавжуд муаммоларини таҳлил этиш, истиқболли йўналишларни белгилаш билан бирга уларга ўзаро фикр алмашиш учун имкон яратилди. Интернетга симсиз уланиш, уяли алоқа воситаларининг учинчи ва тўртинчи авлодига нисбатан ошиб бораётган қизиқиш тўғрисида файллар юзага келаётган техник масалалар бўйича маърузалар қилинди.

— Анжуманда «бирлашган коммуникацион фабрика» мик-

халқаро доирадаги роли ва салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи бу конференция иштирокчиларининг таассуротлари ҳам бир олам.

— Анжуманда айtilган бир фикрни яна бир бор такрорламоқчиман: билим ва тажриба глобал миқёсда тарқалиши зарур бўлган бойлик, — деди Қарши давлат университетининг физика-математика факультети катта ўқитувчиси Нилуфар Окбоева. — Уни оммага улашиш, тажрибаларни халқаро миқёсда алмашиш муҳим аҳамиятга эга жараён. Қолаверса, айни пайтда ҳеч бир соҳани ах-

БИЛИМ ГЛОБАЛ БОЙЛИККА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

бу халқаро конференция иштирокчилари эътирофи

верситети ва Кавказ университети (Озарбойжон) томонидан ташкил этилган. Ҳамкорлар сифатида эса Ахборот технологиялари бўйича ЮНЕСКО институти, Электротехника ва радиоэлектроника муҳандислик институти (АҚШ), шу институтнинг Ўзбекистондаги техник ҳомийлик бўйича коммуникация ҳамжамияти ва ҳудудий бўлими қатнашди.

«АКТ-2010» ахборот-коммуникацион технологияларнинг таълим, фан ва тадқиқотчилик, иқтисодиёт ва бошқарув йўналишларида, соғлиқни сақлаш тизими, шунингдек, давлат тузилмаларида қўлланилиши каби масалаларни қамраб олди. Унда Озарбойжон, Туркия, Россия, Франция, Словакия, Финляндия, Индонезия каби давлатлардан таширф буюрган

росхемаси устида олиб бораётган тадқиқотларимиз тўғрисида маъруза қилдим, — деди иштирокчилардан бири Светлана Садчикова. — Биз олиб борган тадқиқотлар ижобий натижасини кўрсатса, оптик техникада сониясига 10-100 гигабит тезлик билан ишлаш имкони пайдо бўлади. Ҳозир бу микросхеманинг прототиби (тажриба намунаси) яратилган бўлиб, уни қай ўринларда ишлатиш кераклиги ҳақида муҳокамалар олиб бораёмиз.

Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, виртуал тизимлар, мобил алоқа соҳасидаги изланишлар, таълим тизимида технологияларни такомиллаштириш борасида «Майкрософт» компанияси таклифлари ҳақида тушунчалар берилди. Ўзбек олимларининг

борот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмаслиги нуқтаи назаридан конференциянинг аҳамияти катта. Унда иштирок этиш баробарида дунё бўйлаб ахборот технологиялари соҳасида кечаётган янгиликлардан бохабар бўлдим, чунки тадбирда кўплаб тушунчаларга оид ахборот, билим ва тажрибалар алмашилди.

Конференция Тошкент ахборот технологиялари университети базасида ўтказилиб, таълим даргоҳининг ёш мутахассислари, аспирантлари ва талабалари учун ахборот технологиялари соҳасидаги билимларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан кенгайтириш имконини ҳам яратди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Марказий Кенгашининг навбатдаги раёсат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгаш раёсати аъзолари, мутахассислар иштирок этишди.

Кун тартибидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида қилинаётган ишлар, Тармоқ ва Марказий Кенгаш бюджетининг 2010 йил ярим йилликдаги ижроси, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси IV курултойида билдирилган таклифлар бўйича ўтказиладиган тадбирлар ва «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг якунларига оид масалалар ўрин олди.

— Раёсат мажлиси кун тартибига жуда муҳим масалалар қўйилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни фақатгина таъкидлаш эмас, балки жонкуярлик билан уларни бартараф этишга ҳаракат қилишимиз керак, — деди Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Носирхон Акбаров.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бугун республикада янгидан барпо этилаётган, таъмирланаётган таълим масканларининг замонавий жиҳозлар ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланаётганлиги ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишлари учун қулайликлар яратмоқда. Дарсларда олинган билимлар амалий машғулотларда мустақамланиб, улардан кундалик ҳаётда фойдаланиш имкони кенгаймоқда. Ушбу жиҳозларни сақлаш, ортимиздан келаётган укаю сингиларимизга етказиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги вазифалардан ҳисобланади.

Айни пайтда мактабларда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ўқув-лаборатория асбоб-ускуналаридан фойдаланиш даражаси қандай? Шу каби саволларга жавоб излаб, пойтахтимиздаги мактабларда бўлиб, кимё ҳамда физика лаборатория хоналаридаги шароитлар билан танишдик.



ТўГАРАК ХОНАЛАРИ ҲАМ ЗАМОНАВИЙ

Яккасарой туманидаги 26-мактабнинг физика ўқув-лаборатория хонаси 2008 йили замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган. Уч табақали синф доскаси ва магнитли доска, пластик қопламали, кимёвий жиҳатдан мустақам бўлган ва электр токига уланган тажриба (намойиш) столи, ўқув лаборатория амперметри, Архимед челаги, электрон тарози, вольтметр, суяқликнинг сирт таранглигини аниқлаш учун лаборатория динамометри, фотоэлектрик ток манбаи, намойиш қилинадиган Томсон ғалтаги, бир кутбли ва икки кутбли узиб улагичлар, уловчи симлар комплекти, туташ идишлар каби энг зарурий лаборатория асбоб-ускуналари ўқувчиларнинг амалий ва лаборатория машғулотлари учун шай ҳолатда.

— Физикада билимларни ўзлаштириш асосан кузатиш ва тажрибага таянади. Ўқувчида тўлақонли тасаввур ҳосил бўлиши учун муайян ҳолатларни амалиётда кўрсатиш керак, — дейди мазкур мактабнинг физика фани ўқитувчиси Исроил Йўлдошев. — Шу мақсадда ҳар бир мавзунини ўқув лаборатория жиҳозларидан фойдаланган тарзда ташкил этамиз. Айни пайтда олдимизда турган масъулиятли вазифалардан яна бири бу — ўқув хонаси жиҳозларини эҳтиётлашдир.

Бу борада ўқувчилар ҳам маълум тушунчаларга эга. Синф сардоридан ташқари бу ишга яна бир ўқувчи масъул этиб белгиланган. Улар ўқув лаборатория хонаси учун жавобгар ҳисобланиб, ҳар бир ўқувчини назорат қилади. Дарс тугагач, жиҳоз ва ускуналарни биргаликда кўриб чиқамиз. Яна бир томони борки, ўқувчилар фанга қизиқади, бу уларда асбоб-ускуналарни асраб-авайлаш учун етарли кўникма ҳосил қилади. Қолаверса, "Ёш физиклар" тўғарида ўқувчиларнинг билим олиш ва унга хизмат қиладиган воситаларга нисбатан масъулият ҳисси янада ривожлантириб борилади. Тўғаракни ҳам физика фани ўқув-лаборатория хонасида ўтамиз. Бу эса таълим сифатини ошириб, самарага эришишимиз учун катта имконият бўлмоқда.

Жавоҳир Тўхтамурадовнинг физикадан фан олимпиадида иштирок этиб, шаҳар босқичида 2-ўринни қўлга киритгани барчамизни қувонтирди. Бундай ижобий кўрсаткичлар бош-

ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ:

улардан қандай фойдаланишимиз?

қа ўқувчилар билимида ҳам кўзга ташланади. Сўнги икки йил давомида ўқувчиларнинг билим самарадорлиги 20 фоизга ошди.

ШОТУТ, КҮЙЛАК, ТАЖРИБА

Шайхонтохур туманидаги 20-мактабнинг кимё ўқув лаборатория хонаси ҳам кенг имкониятга эга. Мазкур хона 2008 йилда "El-Holding" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 4 миллион 570 минг сўмлик замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бугунги кунда барча ўқувчилар амалий ва лаборатория машғулотларини ҳеч қийинчиликсиз мана шу хонада бажармоқдалар.

— 2001 йилдан ўқувчиларга билим бериб келаман, — дейди мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" Дилбар Асқарова. — Илгари ҳам маълум миқдорда лаборатория машғулотларини ўтиш учун асбоб-ускуналар бор эди. Лекин улар ҳар бир мавзу бўйича ҳам амалий иш олиб бориш имконини бермасди. Табиийки, ўқувчиларнинг мавзуга оид билим ва тушунчалари ҳамда амалий кўникмалари ҳам шунга яраша бўлган. Энди эса вазият, шароит ўзгарди. Назарий билимларни амалиёт билан тўлдириш учун тўлиқ имконият бор.

Бу йилги режада 7-синф ўқувчилари учун 8та амалий машғулот, 21та лаборатория иши, 8-синф ўқувчилари учун 5та амалий машғулот, 13та лаборатория иши, 9-синф ўқувчилари учун 2та амалий машғулот, 21та лаборатория машғулоти ўтказилиши режалаштирилган. Фанда шундай мавзулар борки, улар ҳақида муайян тушунча ва тасаввур ҳосил қилиш учун, албатта, амалиётда кўрсатиш шарт. Масалан, 7-синф ўқувчилари учун мўлжалланган "Физик-кимёвий ҳодисалар" мавзусини олайлик. Мавзунини қанча оғзаки тушунтирганингиз билан ўқувчига қониқарли билим етказа олмайсиз. Дейлик,

сув қайнади, ундан буг ҳосил бўлди ва яна сувга айланди. Бу — физик ҳодиса. Ундан янги модда пайдо бўлмайди. Ёки шамнинг эриши, темирнинг занглаши ҳодисаларини ўқувчилар кўзи билан кўриб, амалда бажарса, бу билим унинг учун бир умрлик бўлади. Айрим мавзуларни электрон дарсликлар орқали мустақамлаймиз.

Гоҳида ўқувчиларим қизиқ мисоллар топиб келишади. Бир ўқувчим шотут ебди. Кўйлақдаги шотутнинг қизил доғи у ювилгач, бинафша рангга кирибди. "Бу ҳам кимёвий ҳодиса, тўғрими, устоз?" деб савол беряпти у. Бошқа ўқувчим эса: "Сочнинг оқариши ҳам кимёвий ҳодисами?" деб сўрайди. Бундай мисолларга ҳар куни дуч келиш мумкин, лекин унга оддий ҳол деб қаралади ёки эътибор берилмайди ҳам. Амалий машғулотдан сўнг ўқувчилар ҳар бир ҳодисага қизиқа бошлайдилар. Аслида, бу ҳолатлар ўқувчиларнинг мустақил билим олишга бўлган интилишлари натижаси. Кейинги йилларда бирин-кетин ўқувчиларимиз фан олимпиадалари ғолиблари қаторидан ўрин олапти. Собик ўқувчиларимиздан бири Лобар Замонова 9-синф ўқувчилари ўртасидаги кимё фани олимпиадасининг шаҳар босқичида фахрли 1-ўринни қўлга киритди. 7-синф ўқувчиси Абдулазиз Ғуломов ҳам олтинчи синфданок олимпиадага тайёргарлик кўришни бошлади. Ҳафтада икки-уч марта у билан индивидуал шуғулланишга вақт топаман. Ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан мустақил ишлай олади.

Бугун олдимизда ўқув-лаборатория жиҳозларини асраб-авайлаш муаммоси бор. Бу борада умумтаълим мактабларининг кимё ўқув-лаборатория хоналаридаги мавжуд жиҳозлардан самарали ва тўғри фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган методик қўлланма ва тавсиялардан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Масалан, ўқув-лаборатория хонасида амалий маш-

ғулот ўтказилганда, 2-3 марта ҳавони алмаштириш кераклиги хусусида ўқувчиларим ҳам билишади. Заҳарли, учувчан моддалар билан ишлаб бўлгандан сўнг тезликда идишлар оғзи тиқинлар билан зич беркитилиши ва парафинлаб қўйилиши лозим. Қуруқ моддалар солинган идишлар шкаф тоқчаларига оғзи беркитилган ҳолда қўйилиши шарт. Ўқув-лаборатория жиҳозлари — шиша идишлар, асбоблар шундай жойлаштирилиши керакки, фойдаланишга ҳам қулай ҳамда жиҳозлар бир-бирига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳолатда бўлсин.

Ҳар бир жиҳоз режа асосида фойдаланиш муддати эътиборга олинган ҳолда сақланади. Шиша ва полипропилен идишлар (колбалар, стаканлар, мензуркалар) катта-кичиклигига, тури ҳамда ишлатиш кетма-кетлиги ва олиб туриш, фойдаланиш учун қулай бўлган ҳолда доимий аниқ жойда жойлаштирилиши талаб этилади. Ўқув-лаборатория хонасида ёнувчан моддаларни кўп миқдорда сақлаш мумкин эмас. Нитрат кислота синтез қилиш, моддалар массасини сақлаш, сув синтези, эвдиометр, азот синтези, галогенлар ва галогенидлар синтези, ион алмашилишни намойиш этиш, электр токи билан тажрибалар ўтказишга мўлжалланган тайёр қурилмалар асбоблардан фойдаланиб бўлинган, тозалаб ювилган ва қуритилган ҳолда шкафда сақланади. Намойиш столи пастки қисми тоқчасида кундалик дарс давомида зарур бўладиган буюмлар (фильтр ва оддий қоғозлар, қисқичлар, симлар, қайчи, тиқинлар тўплами, моддани олиш учун пластмасса қошиқчалар ва бошқалар) тартиб билан жойлаштирилади. Фойдаланиб бўлингандан кейин резина тиқинлар, найлар сув билан яхшилаб ювилади ва қуритилади, акс ҳолда резина найлар жуда кўп моддалар, айниқса, оксидловчи хоссага эга бўлган моддалар таъ-

сирида тез ишдан чиқади ва мўрт ҳолга келиб қолади.

Кўргазмаларни проекцион кўргазмалар слайдлар, электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ўқув-лаборатория хонасининг салқин жойида сақланади. Ёз вақтида (таътилда) уларни намлиги ўзгармас ҳолда бир меъёردа турувчи металл қутиларда сақлаган маъқул.

Шунингдек, ҳамма ўқувчи ҳам масъулиятни бирдек ҳис қилмаслигини ҳисобга олиб, ҳар бир дарсни бошлашдан олдин бу жиҳозларни, асбобларни асраш кераклигини, уларнинг қиммат туришини, агар синдириб қўйишса, отаналарининг топа олмасликларини, қолаверса, ука-сингилларининг фойдаланишлари учун зарур эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Гоҳида ўқитувчилар билан суҳбатлашиб қолсак, улар ўқувчиларидан нолиб қолишади. "Мен лаборатория хонасидаги сувни ўчиртириб ташлаганман. Қарасам, ўқувчилар сувни ёқиб бир-бирига сув сеппи ўйнапти", дейди бир танишим. Ҳайрон қолдим. Унинг ўрнига назоратни қатъийроқ ушласин. Бу борада синф сардорлари ўқитувчига энг яхши кўмакчи. Фикримча, уларни эҳтиёт қилиб олиб қўйиш керак эмас, ёки аксинча, улардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ҳам нотўғри. Ўқувчиларга психологик таъсир кўрсатиб, яхши гап билан меъёрни тутиб турса бўлади.

БИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Уйимиздаги ҳар бир буюмни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга ўрганганмиз. Бу — одат, уни кимнингдир тазйиқи ёки назорати остида бажармаймиз. Мактабни иккинчи уйимиз сифатида эътироф этамиз, ардоқлаймиз. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу даргоҳдаги ҳар бир хона, ўқув анжомлари, ҳатто ҳовлидаги дарахтларгача бизнинг мулкимиз. Уларни биздан кейинги ўқувчиларнинг қўлига бус-бутун етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Давлатимиз томонидан яратиб берилган мана шундай беқиёс имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ўқув-лаборатория жиҳозларини таълим жараёнида самарали қўллаш масъулияти ва уни келгуси авлодларга бекаму-кўст етказиш бурчи мужассамлашса, бу ўқувчиларимизнинг мислсиз ютуқларига замин бўлиши шубҳасиз.

Башорат ОТАЖОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ 2-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА «ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ» МАВЗУСИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир Ўзбекистон «Адолат» сриал-демократик партияси, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳамда Юнусобод туман маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унинг мавзу доираси Юртбошимизнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи ва унда акс этган масалаларни қамраб олди.

Лицей директори Шавкат Ўроқов ушбу тадбирнинг аҳамияти, мавзунинг нақадар долзарблиги тўғрисида гапириб ўтди. Туман маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Нигора Абдурахимова таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланишнинг соғлом турмуш кечиришдаги аҳамияти, шунингдек, гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида болаларга керакли тушунчаларни берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳуқуқ-тартибот ишлари бўйича масъул котиби Аброр Бердиевнинг маърузалари ҳам ўқувчиларни қизиқтирди. Уларнинг чиқишларида БМТ Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётгани тўғрисида ҳамда қонун устуворлиги — жамият таянчи экани тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

— Бугунги учрашувда тараққиётнинг «Ўзбек модели» тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлдим, — дейди академик лицейнинг 2-босқичида таҳсил олаётган Саидамин Солиҳов. — Бундан ташқари, ўз ҳуқуқларини билишнинг нақадар муҳимлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қай даражада глобал аҳамиятга эгаллигини тушундим. Тадбир жараёнида саволларимга жавоб олишга ҳам имкон бўлди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

УРГАНЧ ТУМАНИДАГИ 7-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФАН ОЙЛИГИНИНГ БИРИНЧИ КУНИ «БИР БОЛАГА БИР ОЙДА УЧТА КИТОБ» АКЦИЯСИ БИЛАН БОШЛАНДИ.

— Фан ойлигини мазмунли ўтказиш мақсадида услубий бирлашманинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилиб, ойлик режа ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, — дейди ўқув даргоҳининг ижодкор муаллимаси Шарофат Бобоева. — Фан ойлиги тадбирларини режалаштиришда давлат таълим стандарти ва ўқув дастурига киритилган ўзгартишлар диққат марказида бўлди. Айни кунларда барча синфларда кириш тестлари олиниб, натижалар эълон қилинди. Ойлик давомида янги адабиётлар, дарслик ва услубий қўлланмалар қўргазмаларининг ташкил қилиниши режалаштирилган.

Таълимнинг асосини дарс машғулотлари ташкил этади. Илғор педагогик технологиялар асосида Шаҳло Бобоева, Нурхон Бекматова томонидан «Ўзбек тили — давлат тили», «Адабиёт — сўз санъати» мавзуларидаги намунали очиқ дарслар юксак савиёда ўтказилди. 5–6-синф ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли ижодкор» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур жара-

ёнда 6-синф ўқувчиси Севинчой Шарипова голиб деб топилди. «Ёш қаламкашлар» тўғраги аъзолари ойлик тадбирларини ўтказишда бош-қош бўлаётганлиги ҳам илмга интилиш ва қизиқишдан дарак беради. «Ким ёддан кўп шеърни билади?», «Ким кўп ғазал ёдлаган?», «Ёш дostonчилар» мавзуларида ўтказилаётган кўрик-танловлар ўқувчилар фаоллигини ошираётир.

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» ҳамда «Она тилим — жону дилим» мавзуларида ўтказилган адабий-бадий дастурларда мактабнинг барча ўқувчилари фаол иштирок этишди. Шунингдек, Урганч шаҳри марказидаги «Авесто» музейига саёҳат уюштирилади.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

«ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ» АХБОРОТНОМАСИНИНГ 2010 ЙИЛДАГИ 4-СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ.

Халқ таълими тизимида таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, ўқитувчиларга амалий методик ёрдам бериш, айниқса, ёш ўқитувчиларга тажрибали мураббийларни бириктириш, «Устоз-шогирд мактаби»ни ташкил этиш ҳамда таълим самарадорлигини янги сифат босқичига кўтариш бўйича бир нечта халқ таълими бошқармалари, бўлимлари ва улар тасарруфидаги таълим муассасалари фаолияти ўрганилиб, бир қатор меъёрий ҳужжатлар, тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалга жорий қилинмоқда.

Ахборотноманинг илк саҳифаларида Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 1 июлдаги «Устоз-шогирд мактаблари ва жамоатчилик экспертлари фаолиятининг ташкил

этилиши ҳолати тўғрисида»ги 5/1-сонли ҳайъат қарори ва иловалари эълон қилинган.

Бундан ташқари, ахборотноманинг кейинги саҳифаларида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан танишишнинг мумкин:


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 1 июлдаги «2009–2010 ўқув йили якунлари бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари билимларининг Давлат таълим стандартлари талабларига мослигини ўрганиш натижалари ҳамда Давлат таълим стандартлари мониторинги хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 5/2-сонли ҳайъат қарори;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-

ҳофаза қилиш вазирликларининг 2010 йил 27 майдаги «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкларини белгилаш ва тақсимлаш тўғрисида»ги 125-сонли ва 125 қ/б-сонли қўшма буйруқлари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2010 йил 8 июндаги «5–9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 23-сонли ва 11/ҚҚ-сонли қўшма қарорлари;

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 24 майдаги «Ўқувчилар давоматини қундалиқ назоратга олиш ва ўқитувчилар дарсларини кузатиш, таҳлил



қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 122-сонли буйруғи чоп этилди.

Мазкур меъёрий ҳужжатлардан барча халқ таълими бошқарув органлари ходимлари, таълим муассасалари ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, услубчилар, ўқитувчи ва тарбиячилар иш жараёнида фойдаланадилар, деган умиддамиз.

Т.САЛИМОВ

МУХБИРИМИЗ БИЛАН БЎЛГАН СУХБАТДА ВОБКЕНТ ТУМАНИДАГИ 8-МУСИҚА ВА САЊЪАТ МАКТАБИ ДИРЕКТОРИ ОЗОД ОДИЛОВ ИЛМ ДАРГОҲИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА КЎЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

2010–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури доирасида муסיқа ва санъат мактаблари ҳам янгидан қуриш, капитал реконструкция қилиш ҳисобидан мухташам ўқув биноси ва базасига эга бўлмоқда. Жумладан, бизнинг муסיқа ва санъат мактабимиз ҳам жорий йилда капитал реконструкция қилинди. Ростини айтсам, 35 йил шу даргоҳда директорлик қилиб, бундай эътибор, замонавий қулайликларга эга синф хоналари, чолғу асбобларини кўрмаган эдим. Муסיқа мактабимизни капитал реконструкция қилиш ишларига 768 миллион 270 минг 900 сўм маблағ сарфланди.

Шу ҳисобдан фаолиятимизга жуда зарур ҳисобланган концерт зали қад ростлади. 210 ўринли ўқув биноси сифатли таъмирдан чиқарилди. Махсус синф хоналари, хореография синфи, умуман таълим муассасамиз учун 139 номдаги қиймати 1,5 миллиард сўмлик жиҳозлар босқичма-босқич берилмоқда. Асосийси, мактабимиз Германия, Италия давлатларида ишлаб чиқарилган 11та пианино, 2та роял, пуфлаб чалинадиган асбоблар, шунингдек, ўзбек чолғу асбоблари билан тўлиқ таъминланади. Бу эса табиий равишда фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга сабаб бўлишига ишонамиз. Биргина мисол, амалдаги ўқув йилида ўқувчиларимиз сони 50 нафарга ошиб, 200 нафарни ташкил этди. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари қизиқишларини инобатга олиб, жорий ўқув йилида ўзбек чолғу асбоблари, фортепиано, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, тасвирий санъат бўлимлари қаторига хореография бўлимини ҳам янгидан очишни режалаштириб турибмиз. Бунга эса мактабимизда яратилган шарт-шароитлар тўлиқ жавоб беради.

Сора ТОШЕВА

ОҚИБАТ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИНГ ГУЛТОҲИ ДЕСАК, МУБОЛАҒА БЎЛМАС. ОДАМЛАР ЎРТАСИДА АЗАЛДАН АҲДОДЛАРИМИЗ КАДРЛАБ КЕЛГАН БУНДАЙИН БЕБАҲО ХИСЛАТЛАРНИНГ КАМАЯ БОРИШИНИ КАТТА ФОЖИА ДЕЯ АНГЛАБ, БУ КАБИ ЙЎҚОТИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА УНДАШ, КЎНГИЛЛАРНИ УЙФОТИШ АДАБИЁТ, САЊЪАТ, МАТБУОТ ОЛДИДА ТУРГАН КЕЧИҚТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФАЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Нигора Муҳаммедованинг «Оқибат йўқолмасин» дея номланган китоби тақдимотини кузатиб беихтиёр ана шулар хусусида ўйлайсан киши. «Гўзаллик сирлари», «Сабр саҳроси» китобларининг муаллифи бу гал ўзининг кўп йиллик ҳаётий кузатишлари, гувоҳ бўлган турли воқеаликлари асосида инсон руҳияти, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ришталарининг нечоғлик нозиклиги ва айни пайтда муҳим аҳамият касб этишини бадийий образлар орқали очиб беришга ҳаракат қилади.

Тадбирда жам бўлган ёзувчи ва шоирлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, Нигора Муҳаммедова ўз асарлари орқали замондошлари қалбида йўл топиш, оилаларда тинчлик-хотиржамлик, бир-бирларини қадрлаш ва тушуниш каби муносабатларга ҳисса қўшиш энг асосий мақсади эканини гапириб ўтди.

Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Бош таҳририяти томонидан чоп этилган.

О.ОЧИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УМУМИнсоний КАДРИЯТЛАР» МАВЗУСИДА ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

— Ушбу илмий-амалий анжуманни ўтказишдан мақсад республикамиздаги таълим рус, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, туркман, қирғиз тилларида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили таълими сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда тилимиз имкониятларини янада ривожлантиришга эришишдир, — деди ўз сўзида Республика таълим маркази директори И.Зокиров.

— Жорий ўқув йилида 2, 3, 8, 9-синф «Она тили», «Адабиёт», «Ўзбек тили» дарсликлари қайта нашр қилинди, — дея тўхталиб ўтди ЎЗМУ кафедра мудири А.Рафиев ўз маърузасида. — Дарсликда ўқувчиларни сабоқ жараёнида фаол ва мустақил бўлишга ундовчи машқ ва топшириқлар, суҳбатлар кенг ўрин эгаллаган. Айниқса, грамматик материаллар керакли ўринларда амалий жадваллар орқали нутқий вазифаларга уйғун ҳолда берилгани дарсликнинг қийматини оширган. Ундаги адабий ўқиш учун тавсия этилган матнлар эса миллий ва умуминсоний кадриятларни ўқувчиларга сингдиришда ўқитувчига муҳим манба вазифасини ўтайди.

Тадбир давомида, шунингдек, 2, 3, 8, 9-синф «Она тили», «Адабиёт», «Ўзбек тили» дарсликларининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Х.РАҲАБОВА

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 285-МАКТАБДА ОКТАБР ЯБРЬ — «ФИЛОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ» ДОИРАСИДА СЕВИМЛИ БОЛАЛАР АДИБИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОВ ИШТИРОКИДА АДАБИЙ-БАДИЙ КЕЧА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

6–9-синф ўқувчилари қатнашган тадбирда асосий эътибор ёзувчининг ҳаёт ва ижод йўли, ўзбек тилининг ўзига хос жозибаси ва уни қадрлашга доир қизиқарли мулоҳазаларга қаратилди.

Болалар дунёси, уларнинг бетакрор орзу-ўйлари орқали ўзбек халқининг ўзига хос феъл-атворини асарларида маҳорат билан акс эттира олган адиб билан суҳбат, айниқса, 6-синф ўқувчилари учун жуда қизиқарли кечди. Чунки адиб фаолияти ҳамда асарлари ҳақидаги ўқувчиларнинг яқинда олган билим ва кўникмалари ушбу жонли учрашув орқали янада мустаҳкамланди.

— Адиб билан учрашувга барча синф ўқувчилари катта тайёргарлик кўришди, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Комила Тўраева. — Улар ёзувчининг ўқув дастурига киритилмаган бошқа асарларини ҳам қизиқиш билан мутолаа қилдилар.

Учрашув чоғида ўқувчиларнинг фаол иштироки, адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти, айниқса, «Ширин қовунлар мамлақати», «Беш болали йигитча» асарлари юзасидан савол-жавобларда уларнинг адабиётга қанчалик яқин эканлиги яққол намоён бўлди. Таъкидлаш лозимки, бу каби учрашувлар ўқувчиларнинг фанга қизиқишини ошириб, китоб ўқишга бўлган интилишини рағбатлантириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мангуберди ЖАЛОЛИДДИН,
ОХБИ талабаси

2010-yil — Barkamol avlod yili

Илм-фан тараққий этса, юрт янада равнак топади. Истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самарасини бераётир. Айниқса, ёш олимларимиз эришаётган ютуқлар бугун дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Баркамол авлод йили»да ёшларнинг илмий салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар доимгидан-да кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Илм-фани янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу эса илм йўлида эзгу ният-мақсадлар билан дадил қадам ташлаётган ёшларни қувонтириш билан бирга, масъулият ҳам юклайди.

яда, 3-курс аспиранти Акмал Асроров Хитойда малака ошириб келди. Жорий йил сентябрь ойининг охирида институтда ўтказилган «Биоорганик кимё ривожининг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро илмий анжуманда ёш олимларнинг маърузалари ҳақида илиқ фикрлар билдирилди. Ядро физикаси институтида фаолият олиб бораётган ёшларнинг ишлаш шароитларини яхшилаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш, интернет ва элек-

Ташкилоти, Бобур Аминов «Эпиграфик ёдгорликлар ва уларни ўрганиш услублари», Эфтимий Мари(француз) «Кадикология усуллари» мавзуларида маъруза қилдилар. «Баркамол авлод йили»га бағишлаб академик У.Каримов номидаги «Ёш шарқшунослар» аънавий илмий-услубий конференцияси ўтказилди. Унда институт ёш тадқиқотчилари билан бир қаторда ЎзР ФА Тарих институти, Низомий номидаги ТДПУ, ЎзМУ, Тошкент давлат шарқшунослик институти,

цион гоёлар ярмаркасида қатнашган институт Ёш олимлар кенгаши аъзоси О.Тухфатуллиннинг лойиҳаси ёш олимлар орасида йилнинг энг яхши лойиҳаси деб топилди ва у муносиб тақдирланди. Июнь ойида «Баркамол авлод йили»га бағишланган конференция ўтказилди. Унда турли йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, тақдирланди. Соғлик — бойлик дегани. Шу маънода соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларнинг ишдан бўш вақтларини тўғри ташкил қилишларига кўмаклашиш мақсадида институтларда спорт машғулоти ва мусобақалари ўтказилаётгани эътиборлидир. Футбол, волейбол, баскетбол, кураш, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўтказилаётган мусобақа ва беллашувларда ёшлар бу борадаги маҳоратларини ҳам намойиш этаётир. Айни паллада «Академиада-2010» спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Уларда ёш олимлар мини-футбол, стол тенниси, волейбол бўйича беллашмоқда.

ИШОНЧ ҚАНОТ БЕРАДИ

Жорий йил аввалида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 40дан ортиқ илмий тадқиқот институти ва илмий муассасаларида фаолият олиб бораётган ёш тадқиқотчи, аспирант ва докторантларни ўзида бирлаштирган Ёш олимлар кенгаши ташкил қилинган эди. Қисқа вақт давомида Кенгаш томонидан ёш олимларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, илмий тадқиқот ишларини кенг миқёсда тарғиб қилиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

режаларини илмий кенгашда эштитиб бориш, ўз вақтида химояга улгурилмаган ҳолатда уларнинг сабабларини ўрганиш ва тегишли тавсиялар бериш мақсадида илмий семинарлар ташкил этилди. Айни вақтга қадар ушбу илмий семинарларда 14 нафар ёш олим ўз маърузалари билан иштирок этди.

Трон почта хизматидан фойдаланишларига имкон яратиш мақсадида улар учун институт етакчи ходимлари томонидан машғулотлар олиб борилди. Ҳозирги кунда институтда 35 ёшгача бўлган 32 нафар илмий ходим фаолият олиб бормоқда. Улардан 10 нафари фан номзоди илмий даражасига эга, 4 нафари катта илмий ходим, 26 нафари кичик илмий ходим лавозимида ишлаб келмоқда. 15 нафари аспирантурада таҳсил олмақда. Ёшларнинг ўзлари фаолият олиб бораётган соҳада илмий салоҳиятларини ошириш учун йил бошидан ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари «Конденсирланган муҳит физикаси» ва «Ядро физикаси» йўналишларида маърузалар ташкиллаштирилмоқда. Узок йиллардан бери институтида фаолият олиб бораётган тажрибали устозлар ёшлар билан ижодий тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар.

Тошкент ислом университети аспирант ва ёш олимлари иштирок этдилар. Институт ёш олимларининг монографиялари чоп этилди. Академия томонидан эълон қилинган 2010-2011 йилларга мўлжалланган 1,5 йиллик ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш грантига тарих фанлари номзоди Ў.Султонов раҳбарлигида «Марказий Осиё тарихи манбалари: таржима, таъдир ва тадқиқотлар (XIX-XX аср бошлари)» мавзусидаги лойиҳа топширилиб, муваффақиятли ўтди.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаш қарорига асосан Фанлар академияси тизимида фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатиб келаётган ёшлар қаторида Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти катта илмий ходими, геном технологиялари маркази лойиҳа раҳбари, биология фанлари доктори Иброҳим Абдурахмонов, Микробиология институти микробиологлар ферментлари лабораторияси катта илмий ходими Қундуз Нормуродова ҳамда Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор Сайдилла Фуломов «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

— Илм-фан тараққийетиға муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир тадқиқотчининг эзгу орзу-нияти эканлиги маълум. Давлатимиз томонидан ёш олимларнинг илмий изланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, — дейди Кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор Сайдилла Фуломов. — Энг асосийси, ёшларнинг ўзлари бундан чин дилдан ҳис қилиб, фундаментал тадқиқотлар яратишга ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг илмий фаоллиги бorgan сари ошаётгани сезилмоқда.

Институтида амалдаги фундаментал, амалий ва инновацион илмий лойиҳаларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида янги ёш стажёр тадқиқотчилар жалб қилинди, — дейди институт Ёш олимлар кенгаши раиси Б.Шомуротов. — Жорий йилнинг март ойида ўтказилган навбатдаги, учинчи аънавий Республика инновацион гоёлар ярмаркасида ёш олимларимиз фаол иштирок этдилар. Жумладан, 3-курс аспиранти Учқун Ишимов «Шамоллашга қарши препарат — апикалсалвин», кичик илмий ходим Жалол Жўрабоев «Биометрохлоритм — жароҳат битказувчи, шамоллашга қарши восита» мавзуларида илмий лойиҳалари натижалари билан қатнашди.

Халқаро конференцияларда илмий маърузалари билан иштирок этишлари, инглиз тилида ўз соҳаларига тегишли адабиётларни таҳлил қила олиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида ёш олимлар учун инглиз тилидан машғулотлар ўтказилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ёш олимлари фаолиятида устоз-шогирд тизими ўзига хос ўрин тутмоқда. Ёшларнинг устоз тилшунос ва адабиётшунос олимлар билан учрашувлари, тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилаётган семинарлар ўз самарасини бериши шубҳасиз. Ёш тилшунос ва адабиётшуносларнинг «Баркамол авлод йили»га бағишланган аънавий илмий анжуманида институт аспирант ва тадқиқотчилари фаоллиги кўзга ташланди. Барча тадбирларда диссертацияни ўз вақтида ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буларнинг бари ёш олимларга билдирилаётган ишонч ва кўрсатилаётган ғамхўрлик намунаси дир. Бундай юксак эътибор эса юртимиз илм-фани тараққийети йўлидаги кўплаб хайрли ишларга қанот бўлиши шубҳасиз.

Кенгаш барча институтилар ёш олимларининг илмий, ижодий фаоллигини ривожлантириш ҳамда ишлаш, яшаш шароитларини яхшилаш ва ишонч ташқари вақтларини тўғри ташкил қилиш каби масалаларда ёшларга кўмак бериб келяпти. Академия институтиларидаги Ёш олимлар кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишлар борасида доимий ҳисобот бериб бориламоқда. Хусусан, О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтида аспирантура ва докторантурада илмий изланиш олиб бораётган ёшларнинг тақвимий иш

Кенгашнинг бўлими очилди, ёш олимлар ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар базаси яратилди. Доимий равишда ҳаёндаги ривожланган илмий марказлар ва уларда олиб борилаётган илмий янгиларни тўғрисида маълумотлар бериб бориламоқда.

Бундан ташқари, институтида ётоқхонасида ёш олимларимизнинг яшаш шарт-шароитлари янада яхшиланди. Фаол ёшлар мунтазам рағбатлантириб борилмоқда, — дея қўшимча қилади Кенгаш раиси М.Нишонов.

Институт кичик илмий ходими Нодира Холиқова Академия ёш олимлари учун эълон қилинган грантлар танловидан «Халқ оғзаки ижоди ва ўзбек адабиётида миллий озошлик ҳаракатининг ёритилиши» мавзусидаги лойиҳаси билан голиб бўлди.

Бундан ташқари, институтида ётоқхонасида ёш олимларимизнинг яшаш шарт-шароитлари янада яхшиланди. Фаол ёшлар мунтазам рағбатлантириб борилмоқда, — дея қўшимча қилади Кенгаш раиси М.Нишонов.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти

Ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳамини изланиш ва ижодкорликни талаб этади. Аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган фан ойликлари ташкил этишдан мақсад ҳам шу. Тадбир давомида муаллимлар ўзига хос изланиш ва маҳорат мактабини ўтайдилар. Фан ойлигини ўтказишда масъулият ўқитувчи зиммасига тушади. Шу ўринда адабиёт фани ўқитувчиси қандай бўлиши керак, деган савол туғилиши табиий. Бу савол атрофида ўқитувчилар куйидагича фикр юритишди.

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИСИ қандай бўлиши керак?

Муаллим мактабда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ўқувчиларга ибрат бўлиши учун нафақат одоб-ахлоқда, балки кийиниш маданиятида ҳам бошқаларни ўзига эргаштира олиши керак. У ўз фанининг кучли билимдони бўлса-да, одоб-ахлоқда ночор бўлиб, юқоридаги ҳислатларга эга бўлмаса, кўзланган мақсадга эриша олмайди.



нидаги 15-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси: — Болалик чоғларимдаги бир воқеа ҳаёлимдан кўтарилмайди. Етмиш ёшлардан ошган қўшимиз маҳалламиздаги бир йигитга ариза ёзиб беришни илтимос қилди. Ҳалиги йигит елкасини қисиб ариза ёзишни билмайман, деди. Шунда отахон «Сени мактабда ким ўқитган? Эҳ, аттанг!» деб бошини сарак-сарак қилди. Йиллар ўтиб, бу воқеани қайта-қайта эслар эканман, отахоннинг афсус ва надоматлари кимга қаратилганлигини ҳис этган-

дек бўлдим. Ўша йигитнинг шу аҳволга тушиб қолишида, айниқса, адабиёт ўқитувчиларининг озми-кўпми «ҳиссаси» борлигидан кўз юммаслигимиз лозим. Шундай экан, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари зиммасидаги вазифа нақадар оғир эканлигини унутмаслигимиз керак. Шунингдек, адабиёт фани муаллимнинг қиёфаси улуғвор ва нурли бўлиши керак. Сўзга чечан, нотиклик даражасига эришган ўқитувчилар ҳамини шогирдлар томонидан алоҳида эътироф этилади. Энг муҳими, ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш, ҳуснихатига эътибор бериш, ифодали ўқиш кўникмасини шакллантириш, бадий асарлар ўқишга қизиқиш уйғота олиш муаллимнинг дикқат-эътиборида бўлмоғи лозим.

А.СОДИҚОВ
тайёрлади.

Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi

ТАЖРИБА АЛМАШИШ,
МАҲОРАТИМИЗ ОРТАДИ

Ўқитувчи тинимсиз изланса, маҳорати ва иқтидорини турли синовларда чархлаб борса, меҳнати меваларидан ўзи ҳам, ўқувчилари ҳам бирдек баҳраманд бўлади. У изланиш жараёнида турли воситаларни синаб кўради, устоз-ўқитувчилар тажрибаларини ўрганади, қўшимча адабиётларни ўқиб, эгаллаган билимларини мустаҳкамлаб бораверади. Айниқса, ҳамкасблари билан тажриба алмашиш, билганларини бошқаларга ҳам ўргатиб, билмаганларини ўқиб, ўрганиб бориш унинг муваффақиятини таъминловчи воситалардан бири саналади. «Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi-2010» кўрик-танловининг республика босқичида

голибликни қўлга киритган Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 15-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Феруза Эрқулова ҳам малака оширишда тажриба алмашиш методининг аҳамиятини яхши англаб етган. У педагогик фаолияти давомида жанубий корейлик ўқитувчи Чанг Варен ва унинг ўқувчилари, Африка ўрта мактабларидан бирининг ўқитувчиси Патрисия Рамдел ва унинг ҳамкасблари, англиялик педагог Сара Валлингтон билан интернет орқали алоқа ўрнатиб, турли йўналишларда тажриба алмашишни йўлга қўйган. Жумладан, Патрисия Рамдел ва унинг ҳамкасблари билан янги педагогик инновацион технологиялар, улардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш масалалари бўйича тажриба алмашган бўлса, Сара Валлингтон билан ўқувчилар билан ишлаш, уларни таълим-тарбия жараёнига кенг қамраб олишга доир фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш — бугунги кун ўқитувчиси олдида турган энг долзарб масалалардан бири саналади. Ушбу масалага жиддий ёндашган Феруза интернет ва унинг имкониятларига юқори баҳо беради. Инглиз тили фанини ўқитишда турли инновацион технологияларни қўллаш, ҳар бир дарсга зарур янгилик билан келиш Феруза Эрқуловага хос хислат. Ўқувчилар ҳам бунга ўрганиб қолишган, устозига «тақлид» қилишади — бошқа қўлланмалар билан бир қаторда компьютер технологиялари ва интернет орқали билим олиш, инглиз тилини амалиётда қўллаш маҳоратини юксалтириб бориш тажрибаси ҳам уларнинг ўқув фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабли устоз ортидан билимлар чўққиларини забт этишга шахд қилган, бу борада кўпгина ютуқларга эришган собиқ ўқувчилар талайгина. Севимли устозининг «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2010» кўрик-танловида голиб бўлганини эшитган Сингапур ме-нежментни ривожлантириш институтининг Тошкентдаги филиали талабаси Гулҳаё Турғунова, Тошкент халқаро Вест-

минстер университети талабаси Жавлон Жўраев Феруза Эрқуловага тилакларини йўллашди: «Халқаро доирадаги олий ўқув юртининг талабаси бўлиш учун ҳар бир йигит-қиз инглиз тилини мукамал билиши керак. Бизнинг ана шу тилни чуқур ўрганишимиз учун жон куйдирган ва бунга кенг имконият яратган Феруза опага бир умр таъзим қиламиз. Барча яхши тилакларимиз сизга, Муаллим!».

Изланиш, интилиш ва шижоатни ўзига шиор қилиб олган Феруза Эрқулова бир неча халқаро илмий ташкилотлар билан турли лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. У, шунингдек, педагогик фаолиятидан

бўш вақтларида турли хориж фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик алоқарини ўрнатган, кези келганда таржимонлик қилади. Аслида бу ҳам ўз устида ишлашнинг бир шакли. Зеро, инглиз тили фани ўқитувчиси шу тилни мукамал билиши, доимий тарзда билганларини такрорлаб туриши лозим. Дарҳақиқат, ўқиш билимининг отаси бўлса, такрорлаш унинг онасидир, деган нақл бежиз айтилмаган.

— Ферузани қачон қараманг ёш авлод таълим-тарбияси билан банд ҳолда кўрасиз, — дейди Мингбулоқ туман ХТБ мудири Шавкат Аминжонов. — Ёш бўлса-да, туман ва вилоят миқёсида ҳурмат қозонган, ҳамкасблари ва шогирдлари эътиборидан тушмайди. У яратган 12та электрон дарслик бугун туман миқёсида инглиз тили фани ўқитувчилари томонидан фойдаланилмоқда. Масофавий таълимга оид тажрибалари ҳам мақтовга лойиқ.

Муаллима 2008 йили Малайзияда бўлиб, у ердаги ёшларнинг қизиқишлари, турмуш тарзи, билим олишлари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди, икки давлат таълим тизимидаги ўзига хосликларни таққослаш имкониятига эга бўлди. Ўз ўрнида малайзиялик ва у ерда таҳсил олаётган хорижлик талабаларга юртимизнинг бой тарихи, давлатимиз томонидан таълим тизимига қаратилган эътибор, ёшларимизнинг илм эгаллаш, комил инсон бўлиб вояга етишга бўлган кучли иштиёқи ҳақида сўзлаб берди. Таъкидлаш лозимки, хориж сафарига олган барча билимлари бугун таълим жараёнида асқотмоқда. Ўқувчилар билан дарсдан бўш вақтларида чет эл сафари таассуротларини ўртоқлашмоқда. Ҳамкасблари билан тажриба алмашиш, маҳорат пиллапояларидан юқорилашда давом этмоқда.

... Феруза эрталабданоқ жонажон мактаби томон йўл олди. Бугун ҳам унинг қалбида жушқин туйғулар ҳукмрон — уни ҳар доимгидек янгиликларга бой, юракларга бир олам сурур тортиқ этувчи дарслар чорламоқда, билимга чанқоқ, мурғак юракларига устозига ўхшаш орзусидаги ўқувчилар уни интиқлик билан кутмоқда. Феруза Эрқулова чин маънода шогирдлари муваффақиятидан бахт топган устозлардандир.

Пўлат ҲАМДАМ,
«Ma'rifat» мухбири

Таълим сифатини юқори босқичга кўтаришда ўқувчиларнинг фанга қизиқишларини ошириш муҳим омил саналади. Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан умумий ўрта таълим мактабларида бутун ўқув йили давомида ташкил этиб келинаётган «Фан ойликлари» шу нуқтаи назардан ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, самарали ташкил этилган фан ойлиги ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини янада ошириб, уларнинг ўз устида ишлашлари учун имкон яратибгина қолмай, маълум фан йўналиши бўйича тўпланган муаммоларга ўзаро ечим топиш ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастурларининг ишлаб чиқилишига ҳам замин ҳозирлайди.

Октябрь — «Филология йўналишидаги фанлар ойлиги»да ҳам унинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб кутубхоначилар билан ҳамкорликни такомиллаштириш ва тилшунос олимлар, шоир, ёзувчи, ижодкорлар билан учрашувлар, адабий кеча, давра суҳбатлари, илмий-амалий ўқув-семинарлари ташкил қилиш, шоир ва ёзувчиларнинг уй музейларига, истироҳат боғларига, кутубхоналарга саёҳатлар уюштириш ойлигининг самарали ўтказилишида катта аҳамият касб этади.

Шу мақсадда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ва Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Адабиёт дарсларига ёзувчи ва шоирлар ҳамда актёрларнинг ташриф буюриши дарсларни замонавий методлар асосида ташкил этишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ўзига хос ноанъанавий машғуллардан бири «Ёзувчи ва актёр дарслари» ўқувчиларда жуда катта

кил этилган очик дарслар ҳам шогирд-ўқитувчиларда ўзгача таассурот қолдирмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг Республика босқичида голибликни қўлга киритган ўқитувчилардан иборат «Йил ўқитувчиси мактаби», шунингдек, 5 йилдан буён фаолият юритаётган «Ёш педагоглар мактаби» аъзолари томонидан ўтказилаётган очик дарс намойишлари, кўрик-танлов ва учрашувлар ҳам фан ойлигининг самарасини оширмоқда.

Бу йил ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 21 йил тўлиши муносабати билан «Тил — миллат кўзгуси», «Ўзбек тилим — жону дилим» мавзуларида тадбирлар, илмий-амалий конференциялар, учрашувлар, «Тил борки — ўлмайдими миллат» мавзусида ўзбек тили ривожига ҳисса қўшган олимлар, ёзувчи ва шоирлар асарларининг кўргазмасини ташкил этиш, шоир ва ёзувчилар иштирокида китобхоналар анжуманлари ўтказишни режалаштирганмиз.

Бугунги кун ўқувчиси — интеллектуал салоҳиятга эга, ахборот

«ФАН ОЙЛИКЛАРИ»

ўқувчига нима беради?

таассурот қолдирганлигини таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, фан ойлиги давомида педагогларнинг ижодий фаолигини ошириш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўқитувчилар ўртасида замонавий педагогик технологияларнинг рангбаранг методларини қўллаб, «Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг яхши тадбир ишланмаси», «Бугунги кун ўқитувчиси», «Энг яхши фан хонаси», «Энг ажойиб нотик ўқитувчи», «Иккинчи истеъдод эгаси» танловларини ўтказиш, албатта, ижобий натижа беради. Ўқувчилар ўртасида эса, «Энг чиройли хуснихат», «Энг иқтидорли ўқувчи», «Энг билимдон нотик» (ўқиган сўнгги асарининг мазмун-моҳиятини ёритиш) мавзусида танловлар ташкил этилаётди. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ҳамда синфларда ўқувчилар иштирокида ҳафтанинг бир кунини «Ўзбек тилида сўзлаш кун» деб эълон қилиш ва ойлик охирида улар ўртасида «Энг билимдон сўз устаси» номинацияси бўйича танлов ўтказиш, соф ўзбек тилида баҳру байтлар, шеърхонлик кечаларини ташкил этиш ҳам уларнинг ўзбек тилига қизиқишларига ҳамда уни тез ўзлаштиришларига сабаб бўлади.

Бугунги кунда фаолият юритаётган «Устоз-шогирд мактаби» ҳам таълим сифатини юқори босқичга кўтаришда катта аҳамият касб этади. Биргина Тошкент шаҳрида жорий ўқув йилида она тили ва адабиёт фанларидан 22 нафар устоз ва 66 нафар шогирд ўқитувчи фаолият юритмоқда. Устозлар томонидан «Касбий маҳоратни ошириш устaxonаси»да ташкил этилган замонавий очик дарслар, тадбирлар, илмий учрашувлар ёш ўқитувчилар учун муҳим методик ёрдам вазифасини бажараётгани шубҳасиз. Устоз-ўқитувчилар томонидан шоир ва ёзувчиларнинг уй-музейларида таш-

технологиялари, компьютер ва интернетдан самарали фойдалана оладиган замонавий киши. Уларни «оммавий маданият» таҳдидидан ҳимоя қилиш, миллий ғоя, умуминсоний ва миллий қадриятлар тўғрисидаги билим ва тасавурларини бойитиш, тўғри тарбия бериш мақсадида ойлик давомида «Компьютер ва интернет фақат билим учун» деб номланган ўқувчилар ва ота-оналар иштирокидаги акция ҳам уларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказишда ўзининг ижобий натижасини бераётди. Ўқувчи ўқитувчи томонидан берилган қўшимча вазифини интернет орқали излайди, топади, натижада муайян бўш вақтини фойдали меҳнатга сарфлайди.

Она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси ўқувчиларнинг оғзаки нутқи билан бир қаторда ёзма нутқини ҳам ривожлантиришга масъулдир. Бунинг учун улар ўртасида ўтказиладиган ёзма ишлар, баён ва иншолар танловлари катта аҳамият касб этади. Ўқувчиларни адабиётимиз ривожига ҳисса қўшаётган олим, шоир, ёзувчилар ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш, истеъдодли, изланувчан, ижодкор ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришга эришиш, фикрларини оғзаки ва ёзма баён этиш малакаларини ўстиришда «Мен ҳавас қилган инсон», «Мен ҳавас қилган аллома» мавзуларида иншолар танлови, «Олам аро яғонасан, Ўзбекистоним!» ижодий ишлар кўрик-танлови, «Аждодлари улуг юрт фарзандиман» иншолар, викториналар, билим-ринг ҳамда «Заковат» интеллектуал-ринг танловларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Шуларни назарда тутган ҳолда фан ойлигида сермахсул натижаларга эришишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Замира АЗИМБОВА,
ТШХТББ методика маркази
методисти

Ойни олиб берайми, алла, Куня олиб берайми? алла, Булганчагин берайми, алла, Сара гуллар тошайми, алла.

Хар бир сатрида, хар бир оҳангида миллийлик, ватанпарварлик туйғулари уфуриб турган алла бола камолотида пиллапоя вази фасини ўтайди. Ҳеч бир авжага, куйга эга бўлмаган бу кўшиқ онанинг қалбидан сизиб чиққан меҳр чашмасидир. Фарзанднинг дунёга келиши она учун энг улкан бахт демакдир. Меҳр ва муҳаббат билан боласини баргига босган она ҳеч нарса ни англамаган мурғак қалб эгасига дунёни англаш, яқинларини танитиш, меҳр, садоқат, ҳалоллик, эзгулик тушунчаларини сингдириб боради. Бола алла орқали онасини, онаси орқали борлигини илғай боради. Алланинг ихлоскори ҳам, ихроси ҳам асосан она. Тун ярмида она ширин уйқусидан, оромидан кечиб бешик теб-

таъқидлаган. Бундан кўришиб турибдики, боланинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий дунёсининг ривожланишида она алласининг ўрни беқийёсдир. Шунингдек, алла миллий ва маънавий аъёнларимизга мос равишда авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ озғани ижоди намунаси ҳамдир. Оналар томонидан кўшиқ асносида оила сулоласига мансуб урф-одатлар, тамойиллар, тарбиявий аҳамиятга эга сўзларнинг кўшиб қуйлиниши, болада ўз аҳдодлари ҳақида дастлабки тушунчаларни ҳосил қилиб, уларга бўлган ҳурмат ва эътиборни кучайтиради. Алла она ва бола ўртасидаги алоқа воситаси сифатида асрлар давомида шаклланиб, ўлмас қадриятга айланиб келмоқда. Алла уни эшитган ҳар қандай инсон қалбидан жўшқинлик ва сокинлик ҳисларини пайдо қилиб, уни болалик чоғларига етаклайди ва мунис онаси нигоҳини кўз ол-

Qadriyat

ОНА АЛЛАСИДА ҲАЁТ ИФОРИ

ратиб, алла айтар экан, боласининг бахту-саодатини, келажагининг порлоқлигини, сиҳат-саломатлигини тилаб қўлайди. Шу сабаб она ва бола ўртасидаги меҳр риштаси мустаҳкамланиб боради. Она алласи ўғил фарзандни мард, жасур, ҳалол, ор-номусли инсон бўлишига, қиз болани эса ибодат-ҳаёли, ораста, латофатли гўзал бўлиб улғайишига қорлайди. Суюкли фарзанд онанинг бу сеҳрли кўшигини тинглаб ором олиш билан бирга меҳру садоқат сабабини, ахлоқий ўғилларини ҳам дилига жойлайди. Алла кўшиги ижро этилганда сокин куй, куйма сатрлар, онанинг малохатли ҳаракати, эркакловчи қўллари, ҳиссиётга тўла овози, меҳрибон нигоҳи бир бутун ҳолда жамланиб, муқаддас қудрат касб этувчи мўъжизага айлангандек бўлади. Бу кўшиқдан сармаст бўлган бола хавф-хатардан холи бўлиб ором олади. Алланинг хусусиятлари шу қадар кенг қамровлики, у боланинг дунёга келиши билананоқ айтилиб, камолга етишига хизмат қилади.



дида жонлантиради. Халқ амалий педагогикасининг самарали воситаси бўлган аллани янада мукамаллаштириб, унинг хусусиятларини ёш оналар ўртасида тарбия этиш борасида юртимизда кўллаб ишлатилган алоқа воситасидир. Хусусан, Президентимизнинг «Хавфсизлик ва барқарор таъриқийёт йўлида» китобида келтирилганича «Она алласи факат чақалоқ ором олиши учун айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгли дунёсига миллий руҳ қиради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдақнинг жисму жонидан илдири қолдиради», деб таъкидлашнинг ўзи ҳам алланинг миллиятимиз тараққиётда беқийёс ўринга эгалигининг исботидир. Шунингдек, «Боланинг миҳозини кучайтириш учун икки нарса ни қўлламоқ керак: бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлган мушқа ва аллаш лозимдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади», — деб

тиладиган аллани билмаслиги ёки уни замонавий тилда бузиб қуйлаш (масалан «беби, малышка» каби сўзларни қўшиб айтиш) ҳолатлари учрамоқда. Бу эса бола тарбиясига салбий таъсир этибгина қолмасдан, миллий ўзалигимизнинг дарз кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган танловда энг яхши аллалар саралаб олиниб, китоб шаклида чоп этилаётган ҳамда тугриқоналардаги ёш оналарга сувға тариқасида тақдим этилмоқда. Шу билан бирга, мутахассислар томонидан алланинг мазмун-моҳияти ҳақида оналарга кўникмалар бериб борилаётди.

Алла — бу бизни ўраб турган олам билан таништирувчи илк тасаввурлар деб оҳанаси. Шундай экан, аллага бўлган эҳтиёж йиллар ўтсада, ўз таъсирини йўқотмаслиги лозим. Аллани бус-бутунлигига келажақ авлод вақилларига етаклаш — оналар зиммасидаги масъулиятдир.

Феруза ХОЛМУРОДОВА, «Ma'rifat» мухбири

ТАРБИЯДА ҚАЙСИ ЙЎЛ МАЪҚУЛ?

Фарзандингизни иззат қилинг ва уларга чиройли тарбия беринг. Ҳадиси шарифдан

Фарзандининг «қулоқсиз» бўлиши ҳеч ким истамайди. Ростда, ҳали бир қаричлигидан гапга қулоқ солмаса, ақл ўргатса, улғайгач нима бўлади? Кўпчилик оналар болага тарбия беришда айна шу хавотир остида иш қўришади. Қўлланиладиган услуб ҳам шунча монанд. Масалан, гўдак пичоқ ёки иссиқ чойнақни ушламоқчи бўлса, «жизз» дейилади. Шу билан чекланмай, «жизз» нима эканини билиб олсин учун боланинг қўли иссиқ тафтага энгилгина тутилади. Бир мuddатдан кейин гўдак «жизз» деган сўзини эшитиши билан ўзида қўрқув ҳис қилади. Бирор ишдан қайтаришни иста-таса, гўдакка «жизз» дейди-ю, ота-онанинг жони роҳат топади...

Қайсарлик қилган болага «Агар ҳозир айтганимни қилмасанг, сени яхши кўрмайман», дейиш оналарнинг одати. Ўз истақлари ва онасининг меҳрини йўқотиб қўйишдек қарама-қаршилик орасида қолган гўдак ноилож буйруққа бўйсунди... Ҳуш, ота-оналик фарзандни «жизз» ёки «олабўжи»лардан қўрқитиб, таҳдидлар билан катта қилишдан иборатми? Фақат дўқ-

хиятини ўрганишига, оиласини қузатишига ундади. Билсам, ота-она ишла-гани учун, болаларига энага аёл ёллашган экан. У ҳам уй ишларини бажаради, ҳам болаларга қарайди. Бироқ уларнинг шўхлиги унча-мунча энага дош беролмаганилиги боис, дегарли ҳар ой энагани янгилаша тўғри келаркан. Ҳақиқатан ҳам, давримиз шиддатидега аёллар эркаклар билан баробар, баъзан улардан-да кўпроқ ишлаётганига гувоҳ бўла-

Кўп қаватли уйда яшай-миз. Оқшомлари болалар ухлади дегунча, ташқаридан шовқин-сурон эшитилиб қолади. Биров ичимликдан бўшаган елим идишини отса, яна кимдир бақир-чақир қилиб асабингни бузади. Ана шундай пайтларда нима учун эртаю кеч мана шу болаларнинг кўчадан уйга киргисини келмайди, нега улар бунчалик бетасир, деган савол менга тинчлик бермайди... Бир оилада икки қиз ва бир ўғил. Гоҳида ёзининг жазирамасида учаласи ҳам уйнинг қора панжарасидан оёгини узатганча, ўтган-кетганини масхаралаб ўтиради. Баъзан кенжа, 5 ёшлардаги, тўлачадан келган, кийимлари ҳатто катталарнинг ҳам ҳавасини келтирадиган қизалоқ куннинг тигида пошнасини тақиллатиб кўчага чиқиб қолади. Кўча жим-жит. Бир-икки ўсмир болани айтмаса ҳеч ким йўқ. Тақ-тук, тақ-тук... Энг кизиги, бирор айби учун дашном берсангиз, хафа бўлмайди. Катта-катта кўзаларини сизга қараганча, ўша ишни давом эттираверади. Очғи, унинг бунчалик соқувқонлиги бироз қўрқинчли ҳам. Қизик, маҳаллада ҳамма унинг ўзига, акасию онасига ҳавас қилади. Ахир энг сўнгги урфдаги кийимни, уйинчоқни биринчи бўлиб шулар олади-да. Фақат негадир уларнинг бундан хурсандлиги сезилмайди. Нега мана шундай фаровонлик ичда яшаётган боланинг кўзаларида маъно йўқ, шодлик йўқ, деган ўй мени уларнинг ру-

нинг таги билан бирга айқинлиг оёғи ҳам куя бошлайди. Бу ҳолатда айиқ ўйнатувчи чилдирмани яна ҳам шиддат билан уради. Олов кучайгани сари бечора жонивор қафас ичида тинмай дам у, дам бу оёгини иссиқдан қутқариш пайида холдан тойиб бораркан, қулоғида бир овоз қолади — чилдирма овози... Бу ҳол бир неча кун давом этгач, айиқ чилдирма товушини эшитиши билан, оёғим қуяди деган ўйда сакрай бошлайди. Қарши-ғизда чилдирмага ўйнапти деб ўйлаганингиз айиқ, аслида оёғининг қуйишидан қўрқиб сакраётган, онгига босим ўтказилган, «шартли рефлекс»га кўра ҳаракатланаётган бечора ҳайвон-бўшқа нарса эмас...

Биз бу мисолларни нега келтирдик? Шунинг учунки, ҳайвонларнинг ҳаракатларини ўзгартаришда муваффақиятли самара берди... Авваллари кўчаларда чилдирма чалиб, айиқ ўйнатиб юрвчилар бўларди. Нега каттакон, йиртқич ҳайвон бўлмиш айиқ, чилдирма овозини эшитиши билан рақсга туша бошлайди? Чунки унга шундай усул билан тарбия берилган: жониворни темир қафасга солиб, тагидан ўт ёқилади. Айиқ ўйнатувчи эса қафас рўпарасига келиб олиб, чилдирма чалади. Қафас-

бўлмайди. У ўз ишини бажаряпти. Худди гарб киноларидегадек. Пулни олиб, вази фасини бажараверади. Бир қўшни қизининг мавзуга доир ҳаётини ҳикояси бизни янада ҳушёр торттиради: «Фарзандим 1 ёшга тўлганда, ишга чиқдим. Ўғлимни қайнонам боқадиган бўлди. Узиники, ўрганиб кетди, деган ўй билан ишга ўшғириб кетдим. Фарзандимни ҳар бир-...

Ta'kid

одамда иззат-нафс, ор-номус бор, виждон, ақл, қалб бор. Балки ҳайвонни оч қолдириб, аммо одамни асло...

Жазо ва таҳдид усули билан фақатгина гўдақликда ҳаммаси меъёрида кечади. Лекин келажакдаги натижа-чи?... Укситилган кўнгли, камситилган иззат-нафс, даҳл қилинган виждон билан онасини қон йиғлатадиган, ўқитувчисига бўй бермайдиган, ўзидан бошқани одам ҳисобламайдиган маънавий мажруҳ ўсмирлар шаклланиб қолмайди-ми?

«Жизз», «олабўжи»ларга боланингизда «шартли рефлекс» ҳосил қилишдан аввал ўйланг, сиз фарзанд ўстираясиз, кўчаларда ўйнатиб, пул топиш учун айиқ тарбиялаётганингиз йўқ. Шундай қилинган, бугун ҳам, келажакда ҳам фарзандингиз топширилган вази фани фақат таҳдид қилинганда бажарадиган бўлмасан. Руҳи, иродаси бақувват, фикрида собит, ҳам ота-онаси, ҳам жамиятга фойдали инсон бўлиб етишин. Зотан, чин инсонларни улғайтирмоқчи бўлган ота-она, фарзандлар гурурига, иззатига даҳл қилмайди.

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи тайёрлади.

Қиз бола палахмон тоши, бировнинг ҳасми қабилидаги фикрларни кўп эшитамиз. Шу сабабли ҳам қизларга ота уйида меҳмон сифатида иззат кўрсатилади, у худди нозик атиргулдек парвариланди, асраб-авайланади. Бироқ, бу қарашларга бирёқлама ёндашиб, балоғат ёшига етган «меҳмон»ни тезроқ узатишга, навиҳол қизчанинг нозик елкасига оила ташвишларини юклаб қўйишга ошиқиш...

Дугонамнинг исми Малика. Бор-йўғи 18 ёшда. Унинг турмуш қурганига эса яқинда 2 йил бўлади. Ҳа, э, ажабланман... Малика «оила» деб аталмиш ҳаёт остонасига 16 ёшда қадам қўйган.

— Келинлик даври ўзгача масъулият талаб этар экан. Тўйдан кейин тез-тез чарчаб, толиқадиган бўлиб қолдим. Бир марта уй юмушлари билан банд бўлиб юриб, ҳатто ухлаб ҳам қолибман. Кўзимни очсам, шом бўлиб қолган. Қайнонамнинг жаҳли қиқандир, деб ўйлаб, чўчиб ўйфондим. Шоша-пиша овқат унанидим. Ҳамма рўзгор ишларини яқунлаб, дарс қилишга ўтирганимни биланман: кўзимни очсам тонг ёришиб қолган. Дарсларимни қилишга умуман ҳолим йўқ. Бир кун китоб ўқийман деб, яна ухлаб қолибман. Ўйладим: агар ўшанда мактабни битирганимдан сўнг, ота-онамни қайси совчиларга рози бўлиш эмас, қайси касбни

Mulohaza

ОЙИЖОН, МЕН КЕЛИНМАН...

танлашим кўпроқ қизиктирганида ҳозир ҳаммаси бошқачароқ бўлариди.

— Исмин Мунира. Коллежда ўқийман. 18 ёшдаги турмушга бердилар. Оилада ёлғиз қиз фарзанд бўлганлиги учун, бегона хонадонга кўниқишим анча қийин бўлди. Биринчи марта овқатга картошкани кўп солиб юборганим ёдимда. Қайнонам қошларини чимириб: «Уйингиздагилар картошкани унчалик хуш қўришмайди. Нега кўп солдингиз? Шунча ҳам фарзандсиз бўласизми?» — деб койгадилар. Роса йиғлагандим ўшанда. Ахир биринчи марта овқат қилаётган бўлсам, озгина тушунсалар бўларди мени. Бунинг устига бизнинг уйда ота-онам ва акаларим картошкани севиб истеъмол қилишди... Ойимнинг маслаҳатларини эслади: «Кўзим, турмуш ўртоғинг, қайнонанинг, қайнотанинг хурмат қил, уларни нимани яхши қўриши, нимани ёқтирмамаслиқларини билиб ол, кўнглиларига йўл топгин, ўшанда қўйналмайсан».

Шуларни ўйладим-да, ҳали ҳаммаси олдинда, деб ўзимни юпатдим. Аммо бора-бора тайёрлаган яхши таомларим учун ҳам «ношуд», «лапашта» деган дашномларни эшитиб бошладим. Эҳ, турмушга чиққач, олий ўқув йўлига ўқишга кириш фикридан ҳам ваз кечдим. Худди йўлини йўқотиб қўйган одамга ўхшайман...

Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг қандай касб фарзандли бўлдим. Ёш она бўлганим учун соғлигим ёмонлашиб, ҳаста бўлиб қолдим. Шундан сўнг эрим билан ажлашдик. Ҳозир фарзандим билан онамнинг уйда яшайман. Вақти келиб, онам ҳам мени ёш турмушга берган-

ларини намойиш этишни истамайдилар. Бироқ, аксарият ота-оналар «фарзандимнинг турмуш қуриши ҳаммасидан муҳимроқ», деган фикрда. Оила қураётган ёшларнинг келажаги ота-оналар, шу билан бир қаторда катталарнинг елкасига ҳам улкан масъулият юклайди. Никоҳдан олдин, катта ёшдаги инсонлар ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги, уларнинг жисмоний, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий, руҳий ҳолатларини ҳисобга олишлари лозим. Тўғри, қиз бола 17, баъзан 16 ёшда ҳам оналик, аёллик, уй бекалик вази фаларини бажаришга тайёр бўлиши мумкин. Аммо, 17-18 ёшли йигит оила бошлиғи вази фасини тўлақонли бажара оладими?

— Исмин Фирдавс, ёшим 24да. 21 ёшдада уйланганман. Оила қурганимизда рафиқам 17 ёшда эди. Ёш бўлишга қарамай рўзгор ишларига, бегона хонадонга тез кўниқиб кетди. Чунки онажоним рафиқамга таъин ва суянч бўлдилар. Ишонасизми, ҳатто хотинимнинг ёмонини яшириб, яхшисини ошириб, ҳар соҳада уни қўллаб-қувватладилар. Рафиқам ҳомилдор бўлганида эса уни асраб-авайладилар, ёрдам бердилар. Ҳозир Дилдора исмли қизимиз бор. Фикримча, ёш онанинг тинч-тотув, аҳил яшашида катталарнинг ўрни жуда муҳим.

— Исмин Башорат. 20 ёшдаман. 16 ёшдада турмушга чиқиб, 17 ёшдада ўғил фарзандли бўлдим. Ёш она бўлганим учун соғлигим ёмонлашиб, ҳаста бўлиб қолдим. Шундан сўнг эрим билан ажлашдик. Ҳозир фарзандим билан онамнинг уйда яшайман. Вақти келиб, онам ҳам мени ёш турмушга берган-

ликлари учун афсусланадилар...

— Дарҳақиқат, қизини барвақт турмушга бериб, мустақил ҳаётга тайёр бўлмаган жигарбанднинг елкасига турмуш қийинчилиқларини «ортаётган» ота-оналар орамизда йўқ эмас, — дейди ақушер-гинеколог Замира Турсотова. — Оналар ва болалар саломатлиги — жамиятнинг фаровонлик даражасини белгилайди. Мамлакатимизда қонун бўйича никоҳдан ўттиш ёши қизлар учун 17, йигитлар учун эса 18 ёш этиб белгиланган. Аммо бу — қиз болани 17 ёшда турмушга бериш, йигитларни 18 ёшда уйлантириш шарт дегани эмас... Оила қуришининг ўзига яраша қондалари бор. Қиз боланинг турмуш қуришга тайёрлиги унинг пазандалиги ёки уй-рўзгор ишларини эплай олиши билангина эмас, соғлом авлоднинг дунёга келтириши ва тарбиялаш салоҳияти билан ҳам ўлчаниши лозим. Қизларнинг 15-16 ёшда оила қуриши ва ҳомилдор бўлиши натижасида туғруқ даврида камқонлик, ҳомиланинг секин ўсиши, гистот каби оғир жараёнлар қузатилиши мумкин.

Севара МУСАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларини Ziyonet тармоғи доирасида Интернет тармоғига улаш бўйича тендер эълон қилинмоқда.

Тендерда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ва маълумот узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига (лицензияга) эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендерда қатнашиш аризаларини қабул қилиш

2010 йил 14 октябрь соат 09:00 да бошланади.

Тендерда қатнашиш аризалари қабул қилишнинг сўнгги муддати

2010 йил 15 ноябрь соат 17:00 (Тошкент вақти билан).

Тендер ишчи органи:

“UZINFOCOM” ДУК қошидаги Ziyonet ахборот-ресурс маркази.

Ариза шакли, тендер ҳужжатлари ва тендер таклифлари куйидаги

манзилга жўнатилади: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28Б, UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази.

Мурожаат учун: тел.: 8(371) 238-42-32, 238-42-41, 238-42-36, e-mail: ziyonet@uzinfocom.uz.

Тендер ҳужжатларининг нархи 500 (беш юз) минг сўм.

Тендер таклифларини топшириш учун тўланиши шарт бўлган закат миқдори:

- **1-лотда (олий таълим муассасаларини улаш бўйича)**
иштирок этиш – 1 350 000 (бир миллион уч юз эллик минг) сўм;
- **2-лотда (илмий-тадқиқот институтларини улаш бўйича)**
иштирок этиш 650 000 (олти юз эллик минг) сўм.

КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедраларга кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи вакант лавозимларига танлов эълон қилади:

1. Музейшунослик кафедраси:

кафедра мудири 1;
доцент 1;
катта ўқитувчи 1.

2. Дизайн кафедраси:

доцент 1;
катта ўқитувчи 1.

3. Китоб графикаси ва миниатюра:

доцент 1;
катта ўқитувчи 1.

4. Ҳайкалтарошлик кафедраси:

доцент 1;
катта ўқитувчи 1.

5. Педагогика ва касбий таълим кафедраси:

катта ўқитувчи 1;
ўқитувчи 1.

6. Менежмент ва информатика кафедраси:

доцент 1;
катта ўқитувчи 1.

Номзодлар танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

Институт ректори номига ариза; шахсий варақа; мутахассислик бўйича диплом; илмий даражаси; илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари; илмий ва ўқув-методик ишлари ва уларнинг тасдиқланган рўйхати; ўқув дастурлар.

Мутахассислик кафедралари учун қўшимча ҳужжатлар топширилади: ижодий ишлар альбоми ва уларнинг тасдиқланган рўйхати; каталоглар, фахрий унвонлар ҳақидаги диплом нусхалари.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида институтнинг ходимлар бўлимида қабул қилинади.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Содик Азимов кўчаси, 35-уй. Телефонлар: 232-18-10; 232-18-39.

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎРТАЧА ҚАНЧА ЁГИН ЁҒАДИ?

Ўқувчиларни тез-тез синовдан ўтказиб туриш уларнинг билим даражасини аниқлаш билан бирга, ўрганганларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу тадбир очик, рақобат муҳитини шакллантирадиган, қизиқарли тарзда ташкил қилинса, бу, албатта, ўқувчилар билимининг ўсишига замин яратади. Шу мақсадда 8—9-синф ўқувчилари ўртасида интеллектуал ринг ўйинини ташкил қилдик. Қуйида бериладиган намуна география фани ўқитувчилари учун қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

Интеллектуал ринг ўйинини дарсдан ташқари машғулотларда, шунингдек, география ва бошқа табиий фанлар билан бирга ўтказиш ҳам мумкин. Бунинг учун фанга қизиқадиган ўқувчилардан 7 нафари танлаб олинади.

Ринг 5 турда ўтказилади. Иштирокчилар бир хил балл тўплаша, қўшимча саволлар берилади.

1-тур. Ҳар бир иштирокчига 3тадан савол берилади, ҳар бир савол 1 балдан баҳоланади.

Энг кам балл тўплаган қатнашчи рингни тарк этади.

1. География термини биринчи марта қачон ва ким томонидан қўлланилган?

2. Тошкент шаҳрида ўртача қанча ёгин ёғади?

3. Компас дастлаб қаерда ихтиро қилинган?

4. Европаликлардан биринчи бўлиб Ҳиндистонга денгиз йўлини очган сайёҳ ким?

5. Кунгабоқар қайси вақтда ғарбни кўрсатади?

6. Ер юзиде шундай бир нуқта борки, у ерда Кутб юлдузи қоқ тепангизда туради, ҳамма томонингиз жануб, сутка кеча ва кундузга бўлинмайди. Бу қайси жой?

7. Ер шаридаги энг катта кўл номи?

8. Вулқон ва гейзерга бой бўлган орол?

9. Аҳолиси сони жиҳатидан дунёда 3-ўринда турувчи давлат?

10. Ер марказидан Жомолунгма-Эверест чўққиси узокдами ёки Климанжаро чўққиси?

11. Қайси давлат бир материяда жойлашган?

12. Ой юзаси кундуз кунлари +100+120 С° гача исийди, кечаси — 100 С° га совийди. Нима учун Еримизда бу ҳолат содир бўлмайди?

13. Абу Райҳон Берунийнинг географияга бағишлаб ёзган қандай асарларини биласиз?

14. Аветролие сўзининг маъноси нима?

15. Евроосиёнинг энг шимолий чекка нуқтаси?

16. Қайси дарё ўтмишда Жайхун, Куз, Окс номлари билан аталган?

17. Ўзбекистонда биринчи темир йўл қачон қурилган?

18. Африканинг жанубий чекка нуқтаси?

19. Шимолий яримшарда баҳор, жанубий яримшарда йилнинг қайси вақти?

20. Қайси материк 2 қитъага бўлинади?

21. Ўрта ер денгизи билан Қизил денгизни боғловчи канал?

Иштирокчилар бир хилда балл тўплаша, уларга қуйидаги қўшимча саволлар берилади:

1. Ҳиндистон давлат тузуми қанақа?

2. 6-синф география дарслигининг муаллифлари ким?

2-тур. 6 нафар иштирокчи ўзига шерик танлаб, 3та жуфтликка бўлинади. Ҳар бир жуфтликка 3тадан савол берилади. Энг кам балл тўплаган жуфтлик рингни тарк этади. Агар баллар тенг келиб қолса, голиблар

қўшимча саволлар билан аниқланади.

1-жуфтлик учун саволлар:

1. Бўзсув ГЭСи қачон қурилган?

2. Евроосиё материгида қанча аҳоли яшайди?

3. Ўзбекистон неча иқтисодий география ҳудудга бўлинади?

2-жуфтлик учун саволлар:

1. Фарғона водийси вилоятларини сананг.

2. Африка материгида қанча аҳоли яшайди?

3. Атмосфера таркибиде О₂ нинг улуши неча фоиз?

3-жуфтлик учун саволлар:

1. Атлас атамасини фанга биринчи бўлиб ким киритган?

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур қачон ва қаерда туғилган?

3. Аҳолиси жон бошига балиқ овлашда биринчи ўринда турувчи давлатни айтинг?

Қўшимча саволлар:

1. Қора металлургия заводи Ўзбекистоннинг қайси вилояти ва қайси шаҳрида жойлашган?

2. 1996 йил юртимизда қандай номланган?

3. 2008 йили Халқаро кимё фан олимпиадаси қайси давлат пойтахтида ўтказилган?

3-тур.

Энг кам балл тўплаган гуруҳ рингни тарк этади.

Қолган 2та жуфтлик ўйинни давом эттиради. Уларга 3тадан савол берилади. Баллар тенг келиб қолса, қўшимча савол берилади.

1-жуфтлик учун саволлар:

1. Мўғилистон пойтахти?

2. Африка қитъасида ўртача умр неча ёшга тенг?

3. Қизилқумнинг ҳарорати қанча?

2-жуфтлик учун саволлар:

1. Ипак қуртининг ватани?

2. Муссон ва Вуиз шамолларининг бир-биридан фарқи?

3. 23 сентябрь туш пайтида Куёш нурлари экваторга қандай бурчак остида тушади?

Қўшимча саволлар:

1. Одамсиз мамлакат, уйсиз шаҳар, дарахтсиз ўрмон, сувсиз дарёлар қаерда бўлади?

2. Ер сайёрасидаги ичишга яроқли сув неча фоизни ташкил қилади?

3. «Тегма унга, уруғ отар сенга». Бу қайси ўсимлик?

Финал босқичи

Мағлуб жуфтлик ринг билан хайрлашади. Голиб жуфтлик финалда бир-бирларига рақиб бўлган ҳолда рингни давом эттирадидлар. Ҳар 2 нафар иштирокчига 3тадан савол берилади.

1-иштирокчи учун саволлар:

1. Ватанимиздаги энг катта ёғ-экстракция заводи қайси шаҳарда жойлашган?

2. Ер шариде қанча аҳоли яшамоқда?

3. Кемасозликда дунёда 2-ўринда турувчи давлат?

2-иштирокчи учун саволлар:

1. БМТ қачон ташкил топган ва Ўзбекистон унга қачон аъзо бўлди?

2. Қўқондаги кимё саноатига тегишли заводда қандай ўғит ишлаб чиқарилади?

3. Географиянинг гидрология бўлими нимани ўргатади?

Голиб ўқувчига супер ўйин таклиф қилинади. Агар ўқувчи ўйинни давом эттирадиган бўлса тест саволлари берилади.

1. Рекреацион атамаси нимани англатади?

А) Биологик ресурслар жамланмаси.

В) Инсониятнинг дам олиш ва даволаниш эҳтиёжини қондирувчи ҳудуд?

Д) Озиқ-овқат дастурини ривожлантириш.

Е) Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш.

2. Кооперативлашув нима?

А) Ишлаб чиқариш тармоқларининг бир жойда тўпланиши.

В) Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш.

Д) Маҳсулот тайёрлашда бир қанча корхоналар қатнашиши (алоқаси).

Е) Ишлаб чиқариш корхоналарини марказлаштирувчи тизим.

Ўқитувчи мактаб маъмурияти томонидан супер ўйин голибини Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирлайди. Интеллектуал ринг ўйинини йил мобайнида давом эттириш мумкин. Шунингдек, бу ўйинни бошқа фанлар бўйича ҳам ташкил этса бўлади.

Иброҳим АБДУЛЛАЕВ,

Данғара туманидаги

35-мактаб география фани ўқитувчиси

Barkamol avlod so'zi



Биз устозларимиз билан биргаликда геронтология ва гериатрия, яъни одамнинг қариш жараёнини ўрганиш ҳамда уни узайтириш борасида илмий изланишлар олиб бормоқдамиз. Ўзбекистонда биринчи бўлиб одамнинг қариш жараёнини кузатувчи қурилма ишлаб чиқдик. Унинг воситасида бу жараёндаги ҳар бир ўзгариш диққат билан кузатилиб, аниқлаб борилади. Уйлайманки, бу қурилма инсон организминини ўрганиб, унинг саломатлигини мустаҳкамлаш, умрини узайтириш йўлида катта имкониятлар очади.

Биз одамнинг қариш жараёнини умуртқа поғонасидаги браун нуқтаси орқали ўргандик. Бу ҳарорати юқори нуқта ҳисобланади. Энди эса одамнинг орқа мияси шикастланишини даволашнинг

ҒАМХЎРЛИКЛАР ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАМОҚДА

янги биофизик усулини ишлаб чиқмоқдамиз. Бунда миянинг шикастланмаган қисмидан нерв импульслари олиниб, шикастланган қисмига етказиб берилди. Шу орқали орқа мия ўтказувчанлиги тикланади.

Ҳозир Ўзбекистонда, хусусан, Андижонда изланувчан, янги-янги кашфиётлар қилаётган ёшлар кўлаб топилди. Бу, албатта, мустақиллигимиз, озод Ватанимиздаги тинчлик-хотиржамлик, ёшларга яратилаётган юксак шарт-шароитлар туфайлидир. Шундай экан, эришаётган ҳар бир ютуқ, амалга ошираётган ҳар бир иш мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, она-Ватанимизни гуллаб-яшнатиш ҳаракатларига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Беҳзод ЭҒАМОВ,
Андижон давлат
тиббиёт институти талабаси

ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ


Октябрь — филология йўналишидаги фанлар ойлиги муносабати билан Учтепа туманидаги 245-мактабда кўплаб тадбирлар, очик дарслар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шу қатори ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санаси ҳам пухта тайёргарлик билан кутиб олинаптир. Куни кеча илм масканида она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Д.Иноғомова, Ф.Мақсудованинг ана шу санага бағишланган очик дарслари ҳамда адабиётшунос олима Суйима Ғаниева иштирокида давра суҳбати ташкил этилди. Дарслар муҳокамаси бевосита давра суҳбатига уланиб кетди. Даставвал ўқувчиларнинг тилни нечоғли билишлари синовдан ўтказилди. Жараёнда ўғил-қизлар бу борадаги билимларини намойён этибгина қолмай, балки таълиқли шоирларнинг шеър, рубоий ва ғазалларидан намуналар ўқиб, уларни таҳлил қилиш пайида бўлдидлар.

Очик дарс шаклида давом этган давра суҳбатида адабиётшунос олима Суйима Ғаниева ўқувчиларнинг зукко ва билимдонлигини қайд этган ҳолда ҳазрат Алишер Навоий ва бошқа алломалар тилга ниҳоятда нафис ёндашгани, ҳурмат билан қараганини сўзлаб, буюк мутафаккирлар ҳаёти ва ижодидан мисоллар келтирди. Ўқувчилар ҳам, аввало, ўз она тилини пухта эгаллаб, аждодларига муносиб ўғил-қизлар бўлишига ишонч билдирди.

Давра суҳбати якунида юқори синф ўқувчилари томонидан она тилини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар, сахна кўринишлари ижро этилди.

Tadbir

М.ЁҚУБОВА



Жорий йилнинг апрель ойида Мексика кўрфазидagi «Дипвотер Хоризон» нефть платформасида юзага келган нохуш ҳодиса ва бунинг оқибатлари улкан экологик ҳалокат сифатида таърифланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сув ҳавзасига миллионлаб галлон нефтнинг сизиб чиқиши гўё эпидемияга ўхшайди ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун йиллар давомида тинимсиз ишлар амалга оширилиши зарур, Шу воқеа баҳона эндиликда дунё олимлари экологик тоза ёқилғи ва қувват манбаларини яратиш, уларни аста-секинлик билан амалга жорий этиш масаласига жиддий эътибор бера бошлади.

ЗАХИРАЛАР ЕТАРЛИМИ?

Кўпчилик бугунги кунда қазиб олинаётган нефть яна кўплаб юз йилларга етарли, деган фикрда. Худди шундай бошқа табиий захиралар ҳам гўё туганмасдек. Аммо табиий савол туғилади, бу фикр қанчалик ҳақиқатга яқин?

Маълум бўлишича, бугун табиий ёқилғи ҳамда энергия захиралари шунчалик тез емирилиб бораётгани, натижада ҳозирнинг ўзидаёқ қувват манбаларининг бошқа муқобил турларини яратиш энг муҳим масалалардан бири сифатида эътибор этилмоқда. Яқинда бу борада Буюк Британиянинг «Прспект» («Prospect») журналида мақола эълон қилинди. Мақола муаллифи, тадқиқотчи Филип Хантернинг таъкидлашича, нефть ёқилғи манбаи ҳисобланган ягона хомашё эмас. Унинг ўрнини боса оладиган муқобил хомашё табиатда мавжуд бўлиб, уларга шамол, денгиз тўлқинлари ва қуёш нурларини киритиш мумкин. Аммо мазкур қувват манбаларидан фойдаланишда ўзига хос нуқулликлар бор. Шу сабаб таркибан қайта тикланадиган табиий ресурс асосидаги хомашёни яратиш ёки уни ажратиш олиш (синтезлаш) мавжуд муаммага энг мақбул ечим деб кўрсатиляпти. Ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан бу борадаги энг камхарж усул табиий тикланадиган захиралардан ёқилғи ёки қувват манбаи сифатида фойдаланишдир. Яна ҳам аниқроқ айтилса, бугун бундай табиий хомашё вазифасини сув ўтлари ўташи кўзда тутилмоқда.


ЎСИМЛИКЛАР МУХАНДИСЛИГИ

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, кенг маънода сув ўтлари номи билан аталаётган хомашё — бу турли шакл ва ҳажмдаги бир хужайрали микроорганизмлардир. Одатда бу ўсимликлар намлик бор исталган жойда ўсиши мумкин, лекин табиий муҳитда улар кўпинча кўл, ботқоқликлар, денгиз ва океанларда учрайди. Эътиборлиси, сув ўтларининг ўсиши учун қуёш нури, карбонат ангидрид ва сув талаб этилади, холос.

Олимлар жуда тез ва осон тикланадиган мазкур табиий ресурсга фақат бугунга келиб эътибор қаратгани йўқ. Аслида сув ўтларидан биологик ёқилғи

кони туғилади. Аслида айнан шу жиҳат тадқиқотчиларда жиддий қизиқиш уйғотган. Чунки сув ўтларида ишлаб чиқариладиган водород ва йиғилдиган ёғли кислоталардан ёқилғи сифатида фойдаланиш, улардан электр энергиясини ҳосил қилиш мумкин.

Шу тариқа, фанда янги бир истиқболли йўналиш — биологик тоза ёқилғини ишлаб чиқариш усулларини жорий этадиган сув ўтлари муҳандислигига ҳам асос солинди. Аҳамиятлиси, бунда органик ёғ моддалар



БИОЛОГИК ЁҚИЛҒИ МУАММОСИ

тез орада ўз ечимини топади

сифатида фойдаланиш фикри ўтган асрнинг 50-йиллариданоқ, айниқса, 70-йилларда кузатилган нефть танқислиги даврида Франция, Германия, Япония ва АҚШ тадқиқотчилари томонидан қизгин муҳокама этилган. «Нейчэ биосайнс» илмий журналида келтирилишича, ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар худуддаги сув ўтларидан 95 000 литр (ёки 85 000 кг.) ёқилғи мойи олиш мумкин экан. Бу кўрсаткич маккажўхори, кунгабоқар ва зайтун каби ўсимликларга нисбатан анча баланд экани ҳам тадқиқотлар пайтида аниқланди.

Мутахассис Филип Хантернинг «Нефть танқислигига қарши чора» номли мақоласига қайтайдиган бўлсак, унда йирик ҳавза (дарё, денгиз ва океан)лар қаърида сув ўтларининг қарийб 500 мингга яқин тури борлиги таъкидланади. Ушбу бир хужайрали микроорганизмлар бошқа миллионлаб хужайраларга эга мураккаб ўсимликлардан фарқли равишда юқори самарадорлик билан қуёш нурларини энергияга айлантириш хусусиятига эга экан. Негаки, ўсимликлар, сув ўтлари ва қатор бактериялар учун энг муҳим биологик жараён ҳисобланган фотосинтез пайтида қуёш энергиясини кимёвий турдагисига айланади. Шу билан бирга, жараёнда сув ўтлари томонидан водород ҳам ишлаб чиқарилиши кузатилган. Махсус шароитларда эса микроорганизмлар хужайралари одатдагидан ҳам кўпроқ водород ишлаб чиқариши мумкинлигини тажрибалар кўрсатди.

Яна бир жиҳат: ўсимликларда мембрананинг асосий таркибий қисми ҳисобланган турли липид(ёғли кислота)лар ҳам йиғилиб, мазкур моддалар микдори ўтлар умумий оғирлигининг 2—40 фоизгача бўлиши мумкин. Эътиборлиси, хужайралар липидларни табиий равишда ишлаб чиқаради. Ўз навбатида, ёғларни биодизель — биологик хомашёдан ҳосил қилинган, нефтдан олинмаган дизель мойи ўрнини боса оладиган ёқилғига айлантириш им

ни қайта ишлашга зарурат йўқ. Бунинг учун фотосинтез жараёнини ўзгартириш (модификация қилиш) кифоядир. Аниқроғи, бензин ёки дизель каби углеводородларни ҳосил қилиш мақсадида сув ҳамда карбонат ангидридни кимёвий реакция ёрдамида бириктириб, водороднинг ажралишига эришиш зарур. Агар тажриба муваффақиятли амалга оширилса, у ҳолда сув ўтларидан нафақат биологик ёқилғи, ҳаттоки электр энергиясини ишлаб чиқариш имконини берадиган табиий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

ЎТА АҲАМИЯТЛИ ХОМАШЁ

Инсон геноми ва замонавий генетика соҳасидаги кашфиётлари билан илм аҳлига яхши таниш бўлган океанортолик тадқиқотчи Крейг Вентер жорий йилнинг апрелида ўзига хос чиқиш қилди. У ўз нутқида сув ўтларидан биологик ёқилғини ҳосил қилиш фаолиятининг асосий мақсади эканини ва бу турдаги янги «технология»нинг келгусида инсон ҳаётидаги ўрни юқори бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, тадқиқотчи турли бактерияларнинг геномларини трансплантация қилиш (кўчириш) имконини берадиган усулларни ишлаб чиқиш зарур, деган фикрда. Негаки, ушбу методлар кейинчалик сув ўтларининг ҳозирда мавжудларига нисбатан кўпроқ водород ҳосил қиладиган турларини яратишга асос бўлади.

Шу ўринда яна бир факт: айна кунда мутахассисларнинг назарий ҳисоб-китоблари сув ўтлари қуёш энергиясининг 10 фоизини биологик ёқилғига айлантира олиш хусусиятига эгаллигини кўрсатган. Қиёслаш учун ҳозирда бутун дунёдаги бензинга талабнинг маълум қисмини қоплайдиган маккажўхори этаноли (ўсимлик донларидан олинмаган этил спирти)ни олсак, бу кўрсаткич бор-йўғи 0,05 фоизга тенг экани маълум бўлди.

Қолаверса, сув ўтларини махсус резервуар (катта ҳажмдаги идиш)лар ёки сунъий сув ҳавзаларида ҳам ўстириш мумкин. Улар эса ўз навбатида, нисбатан кичик худудни эгаллайди. Мазкур саъй-ҳаракат туфайли ҳосилдор ерларни озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланмаган экинлар учун ажратишнинг олдини олади. Биргина мисол: АҚШдаги Қайта тикланмаган энергия ресурслари лабораторияси тадқиқотчиси Майк Сиберт мамлакатда ишлаб чиқариладиган умумий бензин ҳажминини ҳисоблаб чиқди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирда маккажўхори этанолидан олинаётган бензин муқобил хомашёдан салкам 8 миллион квадрат километрга тенг худудда бошқа зарур экинлар етиштириш имкони туғиларкан. Бунинг устига, сув ўтлари бир пайтнинг ўзида ҳатто атроф-муҳитни ҳам яхшилаши мумкин, чунки улар сувдаги оғир металл зарраларини ютиш хусусиятига эга.

САРИҚМИ, ЯШИЛ?

Тажрибалар давомида аниқланган яна бир муҳим жиҳатлардан бири сув ўтларининг ўзига хослиги билан боғлиқдир. Яъни, бу ўсимликлар хлорофилл моддасини ишлаб чиқаради ва сув яшил тусга киради. Лекин олимлар сариқ рангдаги сув ўтларини ҳам етиштириш мумкинлиги таъкидлашмоқда. Бунинг устун томони шундаки, ушбу рангдаги сув ўсимликларидан энергияни ҳосил қилиш анча самаралироқ кечар экан. Шу билан бирга, яшил рангдаги ўтларга нисбатан сариқ тусдагилари учун фотосинтез жараёнида қуёш нурлари нисбатан кам талаб қилинар экан.

Айна пайда Стэнфорд университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари яна бир муҳим кашфиётни амалга оширди. Улар қатор изланишлари якунида сув ўтларига тилладан ясалган жуда кичик электродларни улаб, электр тоқини ишлаб чиқиш мумкинлигини амалда намойиш этишди. Тўғри, мазкур йўналишдаги ишлар ҳозирча келажақда истиқболли лойиҳалар сифатида таърифланмоқда. Аммо илқ қадам ташланди, демак бу борада ҳам янгилик ва ўзига хос ихтироларга умид боғлаш мумкин.

Ҳозирча эса нисбатан реал имкониятларга эга йўналиш — биологик ёқилғи ёки қувват манбаини ҳосил қилишга кўпроқ эътибор қаратиляпти. Масалан, АҚШдаги Қайта тикланмаган энергия ресурслари лабораторияси сув ўтлари био-муҳандислиги бўйича тадқиқот-

лар олиб боришга киришган. Шунингдек, биологик ёқилғи яратиш бўйича лойиҳалар Кўҳна қитъада ҳам «старт» олиш арафасида. Аниқроғи, жорий йилнинг октябрь ойида Европа Иттифоқи сув ўтларидан биоёқилғи ҳосил қилиш технологиялари йўналишидаги ишларга 3 миллион евро миқдорида маблағ ажратишини маълум қилди.


Қолаверса, шу йилнинг март ойида Буюк Британия углерод концерни икки босқичли лойиҳани молияштириши ҳақида хабар тарқатди. Йирик ишлаб чиқариш корхонаси очик сув ҳавзаларидаги сув ўтларидан биоёқилғини ишлаб чиқаришга йўналтирилган ушбу дастурга қатор илмий текшириш институтлари ва университетларни жалб этмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади — биологик ёқилғи ишлаб чиқарилишини 2020 йилга келиб тижорий кўламга олиб чиқиш. Маълумотларга кўра, дастлабки босқич учун 8 миллион фунт стерлинг ажратилган бўлиб, бунда 2012 йилгача асосий изланишлар олиб борилиши кўзда тутилган. Иккинчи босқич эса (бунга 10 миллион фунт стерлинг ажратилган) 2013—2016 йилларни қамраб олади ва жараёнда ёқилғининг ишлаб чиқарилиши синовдан ўтказилади. Шундан сўнг кенг кўламда ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда, деб ёздади мамлакатнинг «Дэйли Мэйл» нашри.

«БИОКЕЛАЖАК» САРИ ЙЎЛ

Юқорида биз асосан устун жиҳат ҳақида сўз юритдик. Лекин сув ўтларини етиштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, қуёш нурини бир жойга тўплаш, уни зарур ёқилғи ёки энергия тури сифатида қайта ишлаш, сўнгра ҳосил бўлган ёқилғи (қувват)ни йиғиш ўзига хос изланиш талаб қилади. Бугунги кунда изланишлар асосан дастлабки икки йўналишда олиб борилмоқда. Ажратиб олинган ёқилғи ёки қувватни йиғиш масаласи бироз четда қолаётгани боис эндиликда қатор мутахассислар бу борадаги тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш зарурлиги ҳақида «бонг» уришяпти.


Демак, дунё олимлари изланишларига таянган ҳолда сув ўтларидан олинмаган биологик ёқилғининг бир қанча яққол устун жиҳатларини белгилаш мумкин. Жумладан, сув ўтлари бутун йил давомида ўсишади ва уларнинг «ҳосилга» кириш муддати қисқа вақт талаб этади. Одатда ўсимликларнинг массаси кунига икки баробаргача ортар экан. Шунингдек, улардан кўплаб табиий маҳсулотлар: пигмент, оксил, фермент, шаккар, ёғ, аминокислота ва турли витаминлар олиш мумкин. Яна бу ўтларни ноқулай табиий муҳитда, мисол учун, сахар ва шўр сув ҳавзаларида ҳам етиштириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, денгиз ўтлари чиндан ҳам сув қаъридаги хазинадир.

Наргиза ИБРОҲИМОВА



ГАЙРИОДДИЙ НОРВЕГИЯ ТОПИЛМАСИ

Норвегиянинг Кристиансанн шаҳридан узоқ бўлмаган ҳудудда археологлар қадимий манзилгоҳни топишди. Мамлакатнинг жанубий қисмидаги мазкур топилма 5 500 йил олдин барпо этилган дея тахмин қилинмоқда, деб хабар беради «Дискавери Ньюс».



Аҳамиятлиси, бунга қадар аниқланган қадимий манзилгоҳлар яхши сақланмай қолган. Лекин Норвегиядаги тарихий жой бир метр қум остида қолгани боис улардан фарқли равишда жуда яхши сақланган экан.

Даставвалига Осло университети ва Маданий тарих музейи ходимлари Топдалсэла дарёси ва Шимолий денгиз ҳосил қилган бурундаги қалъа деворига ўхшаш иншоотга дуч келган. Аниқланишича, у 30 метрлик девор қум ва лой аралашмасидан қурилган девор экан. Иншоотнинг маълум қисми эса йирик тошлардан барпо этилган.

Қазилма ишлари пайтида кўплаб косасимон идиш бўлаклари топилиб, уларни тиклашга муваффақ бўлинди. Топилмаларнинг Европа шимолида милоддан аввалги 4000—2700 йил олдин қузатилган сўнгги неолит даври маданиятига оидлиги тахмин қилинмоқда.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, манзилгоҳнинг ўзидан эса 4000—3600 йилларда мавсумий фойдаланилган.

— Афтидан, турар жой тошқин туфайли чўкинди-лар остида қолган, — дейди бу ҳақда мутахассислар. — Текширувларимизга таянган ҳолда бу жараён жуда тез содир бўлганини таъкидлашимиз мумкин, шу даврдан кейин одамлар бу ерда истиқомат қилмагани ҳам аниқланди.

Шу билан бирга, манзилгоҳ бир неча минг квадрат километр жойни эгаллагани маълум. Ҳозирга қадар фақат 500 квадрат километр жой қазилма ишлари давомида тозаланди. Қум ва лой остида ёғочлар яхши сақланиши мумкинлиги боис бундан-да кўпроқ қимматли топилмалар аниқлашга олимлар умид қилмоқда.

СИНОВДАН УТКАЗИЛДИ

Калифорния саҳросида «Виргин Галактикс» («Virgin Galactics») компанияси учувчилари «Интерпрайз» самовий кемасини муваффақиятли синовдан ўтказди. Компания раҳбари Ричард Брэнсоннинг таъкидлашича, келгусида айнан шу кемада сайёҳларни самога олиб чиқиш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда АП эълон қилди.



Жараёнда кема 13,7 километр баландликда самога олиб чиқувчи «Вайт Найт-2» («White Knight-2») самолётидан ажралган ва узоқ пайт секин пастлаб учиб, Мохаве саҳросидаги аэродромга қўнган.


Айтиш керакки, мазкур лойиҳа 2004 йилдан ишга тушган бўлиб, унинг доирасида илк маротаба инсон томонидан бошқарилаётган тижорий космик кема парвоз қилди. Компания яқин келажакда хоҳловчилар учун самога саёҳат уюштиришни режалаштирган.

Айни кунда «Интерпрайз» самовий кемасида космосга парвоз қилишни истаганларга чипта савдоси ҳам бошлаб юборилган. Маълумотларга кўра, бутун дунё бўйлаб бир қанча инсон уларни сотиб олишга ҳам улгурган.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, «Виргин Галактикс» бу йўналишда иш олиб бораётган ягона компания эмас. Бундан бир муддат олдин «Боинг» компанияси самога сайёҳларни жўнатишга тайёр эканини маълум қилган. Дастлабки парвоз 2015 йили амалга оширилиши мўлжалланган.

СОТУВ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

«Интернэйшнл Дата Корпорейшн» компанияси томонидан дунё бозорининг жорий йил учинчи чорақдаги компьютерлар сотуви кўрсаткичлари аниқланди. Уларга кўра, июль-сентябрь ойлари мобайнида жами салкам 90 миллионга яқин десктоп, ноутбук, нетбук ва планшет турдаги компьютерлар мижозларга етказиб берилган, дейилади компания сайти(idc.com)да.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 11 фоизга ошган. 2009 йилнинг учинчи чорақда салкам 81 миллион компьютер ўз эгаларига етиб борганди.

Жаҳон миқёсида энг кўп компьютер етказиб берувчи компания «Ньюлетт-Пакард» ҳисобланмоқда. Гарчи ўтган йилга нисбатан компаниянинг дунё бозоридаги сотув улуши 2 фоизга камайган бўлса-да, уч ойлик муддат ичида мижозларга етказилган 16 миллионга яқин ЭХМлар айнан «Ньюлетт-Пакард» томонидан ишлаб чиқилган.

Иккинчи ўринни «Эйсер» компанияси дунё бозоридаги 11 фоиз улуши билан эгаллаб турибди. «Делл» компанияси 12,4 фоиз сотув ҳажмига эга бўлган ҳолда учинчи ўринга чиқди.


Дунё миқёсида ўз маҳсулотларини катта миқдорда сотган компаниялар орасидан яна «Леново» — 10,3, «Асус» — 5,3 ва «Тошиба» 5,2 фоиз кўрсаткичга эга бўлган.

ЎЗГАЧА ШАҲАР

Яқин йилларда Португалияда инсон организмига монанд фаолият юритиши кўзда тутилган экологик тоза шаҳар барпо этилиши мумкин. «ПланИТ Вэлли» («PlanIT Valley») номи берилган мазкур шаҳар мамлакатнинг жанубий қисмида 2015 йили барпо этилиши режалаштирилган, деб ёзади «Популар Сайнс» нашри.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ўзгача шаҳар қуриш ишларига 19 миллиард доллар миқдоридаги маблағ сарфланар экан. Манзилгоҳ ягона тизим жорий этилган юксак технологик компьютер ёрдамида бошқарилиб, у сув ва қувватнинг сарфланиши, фаолият ҳамда чиқиндилар тизимини назорат қилади. Кўплаб сезувчан ускуна — датчиклар орқали турли носозликлардан ўз вақтида хабардор этилади.

Сувни тозалаш тизими бамбук ва қамишлар ўсадиган сунъий саёз кўл сифатида ташкил этилади. Махсус ускуналар ёрдамида эса озик-овқат маҳсулотлари чиқиндиларига қайта ишлов берилиб, биологик ёқилгига айлантирилади. Бу ерда ҳаттоки болалар учун ҳам алоҳида назорат тизими фаолият юритади: унинг ёрдамида йўқолган кичкинтойларнинг қаерда экани ҳақида ота-оналарга маълум қилинади. Қолаверса, шаҳарда истиқомат қилувчилар ҳудудда ҳаракатланиш учун барча зарур ахборотларни олиш имконига эга.



Лойиҳа муаллифларининг сўзларига кўра, бундай шаҳарни барпо этишдан асосий мақсад қувват имкон қадар самарали сарфланадиган тизимни жорий қилишдир. Масалан, фойдаланилган сув тозаланиб, суғориш ишлари учун ишлатилади. Сувни тозалаш тизимидаги ўсимликлар зарур пайтда биологик ёқилгига айлантирилади. Улкан ҳисоблаш марказидаги ҳавони ҳайдаш тизимидан чиқадиган иссиқ ҳаво биноларни иситишга сарфланади. Ер майдонларини тежаш мақсадида эса уйлар олти бурчакли шаклда қурилади.

Маълум қилинишича, қурилиш ишлари жорий йилнинг охирида «Ливинг ПланИТ» компанияси раҳбарлигида бошланади. Аҳамиятлиси, мазкур шаҳар қувват самарали сарфланадиган дунёдаги энг йирик ҳудудгина бўлиб қолмайди. Шу билан бирга, бу жой океан ортидаги Силикон водийси, яъни улкан технологиялар компаниялари бош идоралари ва йирик илмий тадқиқотчилик марказлари жамланган ҳудуднинг Европадаги «нусхаси» бўлади. Негаки, шаҳарда истиқомат қилиши кўзда тутилган 150 мингга яқин инсонларнинг барчаси илмий изланишлар билан банд бўлади. Шу боис ҳозирнинг ўзидаёқ юксак технологиялар асосида техника воситаларини ишлаб чиқарувчи «Циско Системс», «МакЛарен» ва «Эксенче» компаниялари лойиҳа ҳамкорларига айланди.

ҲОЗИРЧА ФАНГА НОМАЪЛУМ

Мадагаскар ботқоқликларида мангуст ҳайвонига ўхшаб кетадиган, лекин биологлар томонидан ҳали қайд этилмаган жонзот топилди. Унинг тана тузилиши, озикланиши ва яшаш тарзи ҳақида «Биодиверсити» («Биохилма-хиллик») нашрида батафсил маълумот берилди.

Илк бора ҳажман мушукка тенг мазкур йиртқич 2004 йили Алаутра кўлида сузиб юрганида суратга олинган. Даставвалига биологлар уни Мадагаскар чакалакзорларида учрайдиган ва 1837 йили француз зоологи Изидор Жоффруа Сен-Илер томонидан таърифланган кўнғир думли мунго ҳайвони билан адаштиришган. Лекин кейинчалик бу бошқа турдаги ҳайвон экани пайқалгач, олимлар кўлга қайтиб, унинг қони ва тана тўқималаридан намуналар олишган. Кичик йиртқич ҳайвон Лондондаги Табиий тарих музейи ходимлари томонидан ўрганилганда унинг ранги, бош мия суяги, панжа ва тишлари тузилишида мунгодан кўплаб фарқли томонлари борлиги аниқланди.



— Шу кунгача фанга номаълум бўлган ушбу ҳайвон чиндан ҳам ўзига хос, — деди тадқиқотчилардан бири Алан Стаховски. — Одатда бу турдаги ҳайвонлар, яъни мангустлар қуруқ ҳудудлар ёки ўрмонларда яшайди. Янги топилган йиртқич сув ва қуруқликда ҳаёт кечиради. Биз унинг ҳаттоки балиқ ҳам овлай олишини тахмин қиляпмиз, мазкур жиҳат эса умуман мангустларга хос эмас.

Айни пайтда, мутахассислар Мадагаскарда янги турдаги ҳайвоннинг аниқланишини одатий ҳолдек қабул қилишмоқда. Бунга сабаб оролда Ер юзининг бошқа бирор-бир ҳудудида учрамайдиган 15та ҳайвонлар оиласи умргузаронлик қилишидадир. Иккинчидан, чакалакзорларда кичик ҳайвонларни пайқамай қолиш қийин эмас. Учунчидан эса, ушбу чакалакзорларнинг аксарият қисмига ҳали инсон қадами етмаган, шу сабаб йилдан-йилга ҳудуд тадқиқ этилгани сари бу ерда кўплаб жонзотлар аниқланмоқда.

Бу гал топилган ҳайвон Жералд Даррелл номидаги Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш фонди ходимлари томонидан аниқлангани сабабли биология китобларида Даррелл мунгоси (Salanoia dugrelli) номи билан киритилди. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ олимлар унинг йўқолиш хавфи остида эканини таъкидлашган.

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ?

Устоз Озод Шарафиддинов бир мақоласида: "Мақоллар ва маталларда, турли ибораларда авлод-аждодларимизнинг қай тарзда яшагани, қанақа расм-русумларга амал қилгани муҳралиб қолган...", деб ёзганди. Шу эътирофдан келиб чиқиб, худо кўнглимга солиб, "Ўзбек удумлари", "Ўзбекнинг гапи қизиқ" китобларининг мантқиқий давоми сифатида "Ўзбек нима дейди?" асарини ёза бошладим. Унда халқимиз қандай вазият ва ҳолатларга қарата кимларга нима дегани, бу нақл, ибора, мақол, сўз бирикмасию ҳикматларда қандай маънони кўзда тутгани ҳақида мулоҳаза юритдим.

Ҳар ишни бошлаганда:

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим...
— Ишимиз ўнгидан келсин!

Кўришганда:

— Ассалому алайкум!
— Ваалайкум ассалом.
— Яхшимисиз?
— Ўзингиз тузукмисиз?
— Бола-чақалар омонми?
— Тузук, ўзларидан сўрасак...

Меҳнат билан машгул одамга:

— Ҳорманг!
— Бор бўлинг!
— Хирмонга барака!
— Умингизга барака!

Сафар, зиёратдан қайтганга:

— Зиёратлар қабул бўлсин.
— Муродингиз ҳосил бўлсин.

Меҳмонга:

— Хуш келибсиз! (Хуш кўрдик!)
— Хушвақт бўлинг.

Байрамда:

— Ҳайитингиз муборак бўлсин!
— Ўзингизга ҳам қутлуғ бўлсин.
— Байрамингиз билан табриклайман.
— Сизни ҳам байрам билан қутлайман.

Таваллуд кунда:

— Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Юзларга кириб юринг...
— Раҳмат. Яхши ниятларингиз ўзингизга ёр бўлсин.

Йўловчига:

— Йўл бўлсин!
— Шаҳарга тушиб чиқай...
— Йўлингизни берсин.
— Раҳмат, мушқулнингиз осон бўлсин.

Ёш оилаларга:

— Қўшганингиз билан қўша қаринг...

Ajdodlar odobi

— Ўзингиздан кўпайинг...
— Ували-жували бўлинг...

Дарвоза очганда:

— Тинчлик-хотиржамлик, омонликни берсин.
— Қут-барака кирсин...

Ичкари кирганда:

— Қадам етди, бало етмасин...

Сафарга отланганга:

— Ой бориб, омон келинг...

Йўлга чиққанга:

— Йўлингиз бехатар бўлсин.

Нон тишлаётган болага:

— Юзини юзингга қилиб е, болам, савоб бўлади... Увоғини ерга туширма.

Маҳмуд САТТОР

(Давоми бор.)

НЕГА ЧЕКАСИЗ?

Ҳаёт йўллари пасту баландликлардан иборат эканлиги барчамизга аён, аммо ўша «ўнқир-чўнқирлар» яшашда қандай маъно борлигини англашга ёрдам беради, лекин инсоннинг доимо нимадан кўнгли тўлмайдими, асабийлашади.

Ҳар бир инсон ичидаги йиғилиб қолган дардларидан фориғ бўлиш йўллари ўзича танлайди, лекин бу усулларнинг энг зарарли ва хавфлиси сигаретадир. Тўғри, бунга қўшилмаслигингиз мумкин, ахир бу қизиқиш ёки тақлид натижасида юзага келадиган одатга айланган, чекувчилар тили билан айтганда, хумордир. Аммо ўтказилган сўровлар ва тажрибалар асабий, ҳаётини муаммолар гирдобидида қолган инсонлар одатий кунлардан кўра кўпроқ чекишларини кўрсатди.

Биз сигаретанинг инсон ҳаётидаги ўрнини билиш мақсадида 35–40 ёшлардаги бир неча нафар чекувчига саволлар билан мурожаат қилдик. Юқорида берилган саволларга жавоб берувчилар чекиш оқибатида соғлиққа, атроф-муҳитга етадиган зарарларни тушуниб етсалар ҳам бундан қутулиш учун одат ва хумор ҳалақат бераётганлигини айтишаётгандай туюлади гўё. Хўш, унда одат ёки хумор нима?

Одат нималигини тушуниш унчалик қийин масала эмас, лекин хумор бу одатдан воз кечиб бўлмайдиган кучли ҳиссиётдир, деб таъкидланади. Кўрқинчли изоҳ, тўғрими? Ахир қандай қилиб кучли хоҳишдан воз кеча олмаслик мумкин? Сиз кул эмассиз-ку?! Балки руҳиятингизни биров руҳлантириш даркордир, балки шунда айнан нима хоҳлашингизни тушуниб етарсиз?! Умуман олганда, бу мавзу доимо диққат-марказимизда туради. Унинг зарари ҳақида бот-бот ОАВ орқали маълумотлар бериб борилади. Турли конференциялар, семинарлар, учрашувлар тинимсиз ўтказилмоқда. Аммо улардан наф бўляптими? Чекувчилар сони камайди? Нега ёшлар чекапти?

— Чекам асабларим тинчланади. Ичимда йиғилиб қолган барча дардларим сигарета тутуни билан бирга чиқиб кетгандай бўлади. Зарарликка зарару, аммо наилож.

— Ўзи кўпам чекавермайман, баъзида хумор тутганда чекам. Асабни тинчлантиришига келсак, балки ёрдам берар, лекин бунга ҳис қилганим йўқ. Бир кун сигарета топиш учун ярим кечаси ўндан ошиқ қўшнингиз эшигини тақиллатишга мажбур бўлганман. Ишонинг, бундан ортиқ шармандали ҳолатга тушмаганман.

— Ёшлигимда тенгдошларимга тақлид қиламан деб бу бўлмағур нарсанинг қулига айландим. Сигарета мен учун ҳам хумор, ҳам одатга айланиб қолган. Соғлиққа зарарини-ку ҳар дақиқа сезиб тураман, аммо чўнтакка...

ЧЕКУВЧИ «КЎРҚОҚ»МИ?

ФАКТ: Бирлашган Миллатлар Ташкилати берган маълумотларга қараганда, чекиш оқибатида йилига беш миллиондан ортиқ одамлар ушбу «асабни тинчлантирувчи восита» қурбони бўлишмоқда.

Шу ўринда яна бир маълумот. Сигаретанинг асли келиб чиқиши Америка ҳиндуларига бориб тақалади. Улар тамакини қамиш ичига солиб, жўхори япроқларига ўраб чекишган. Сигаретанинг оммалашшига бўлган асосий сабаб ўтган асрнинг 40–50-йиллари машҳур актёрларнинг сигарета чекишни ўз имижларига айлантиришлари, бу орқали ўзларини сирли, салобатли қилиб кўрсатишлари ва томошабинларнинг уларга тақлид қилишига бориб тақалади.

Буни қарангки, XX асрда сигаретанинг оммалашшига сабаб бўлганлар XXI асрда чекишга қарши курашувчиларга яхшигина иш топиб бергандай. Чекишга қарши курашувчилар томонидан тақлиф этилган лойиҳалар оз бўлса-да, ўз натижасини бермоқда. Ушбу тақлифларга кўра жамоат жойларида чекишни қатъиян ман қилиш ва тақиқ белгиларини қўйиш, сигарета рекламасини тақиқлаш, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқларни кўпайтириш, оғоҳлантирувчи ёзувлар сигарета кутисининг тенг ярмини эгаллаши ва ҳоказолар амалга оширилмоқда. Ушбу тақлифларга кўпгина давлатлар амал қилмоқдалар. Масалан, баъзи Европа давлатларида жамоат жойларида чекишни айни кунларга келиб ахлоқсизлик дея баҳолашмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сигарета қутиларида «Чекиш сиз ва атрофдагиларингиз саломатлигига жиддий зарар еткази!» «Чекиш юрак-томир касалликлари ва ўпка ракига олиб келади!», «Вояга етмаганларга сотиш тақиқланади!», деган оғоҳлантирувчи ёзувлар бор.

СОТУВЧИ «ЧЕКМАНГ, ЗИЁНИ БОР» ДЕЙДИМИ?

Эндигина 14 ёшни қаршिलाётган бола нимани ва нима учун чекаётганлигини билмаслиги мумкин. Аммо 50–60 ёшга кириб қолган холамиз кўпни кўрган, бир неча невар-эвараларнинг севимли бувижониси бўла туриб сигаретани «ҳали она сuti оғзидан кетмаган» болакайларга пуллайди.

Айтишингиз мумкин, ҳаммаси ҳам эмас деб. «Хола дамдамга сигарета олятувдим, илтимос бера қолинг», деб «маъюсина» қараб турса, холанинг меҳри жўшиб кетиб, 2 қути сигаретани бериб юборганини билмай қолади.

Қонунга кўра, 18 ёшга тўлмаган шахсларга сигарета ва алкоголь маҳсулотларини сотиш мумкин эмас. Сотганлар эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жазоланишини билмайдиган холаларимиз бўлмаса керак? Аммо келажақ учун қайғуриш, ймон-инсоф каби тушунчалар баъзи «холалар» учун 1000 сўмлик пачкага ўралган илгдай гап. Ип сизнинг кечаю кундуз меҳнат қилиб топан дароматингизнинг бекаму кўст, тартибли бўлиб туришига ёрдам беради. Ип сизга аҳамиятсиз,

чунки у нафсни қондиrolмайди. Худди бировнинг боласи чекса, сизга фойдаю, зарари улғайтирганга. «Хола тушунинг, фарзанд сизнинг фарзандингиздан минг баробар қадрлироқдир».

ҲАЗИПГА УХШАГАН ЗИП

— Хола, ҳозир қайси турдаги сигарета кўп сотилади?
— Мана буниси, ўғлим.
— Нимага?
— Акцияси бор, кўп чексанг, мошина ютасан.
— Хола, унда бир блок беринг?

Пистачи хола тарғиботниям болади? Жамоат жойларида қомати келишган малла сочли қизларнинг рекламасидан-да ишонарли чикди. Чунки ёши улуг-да, кўп нарсани билади? (Ундан кўра «ўғлим, чекмагин» десалар, яхши эмасми?)

Аҳамият берганмисиз, кўпинча ўсмирлар сигаретани ўзгача мароқ билан чекадилар. Сигарета ҳимоя қисмини икки бармоқ билан қистириб, қўллари биландроқ кўтариб олиб, роса шимириб узоқ тутун чиқаришга ҳаракат қилишадди, чиқмаса, «пуфф» деб овоз чиқариб қўйишадди. Бу ҳолат ўспириннинг нимагадир қодирлигини, шахс эканлигини намоён қилиш учун ўйлаб топган усулидир. Тўғри-да, ўқишни эплолмагач, спортни ташлаб юборгач, нима биландир атрофидагиларни ўзига қаратиши керак-ку?!

Баъзида ота-оналарга ҳам қойил қолиш керак. Наҳотки, фарзандининг сигарета чекаётганлигини билмаса. Биринчи навбатда чекишни бошлаган бола одатдан кўра кўпроқ

пул ишлата бошлайди, иккинчидан, чўнтақларидан маҳорка қолдиқлари чиқади. Шунда ҳам сизни алдай олса, тишлари барча саволларингизга 80 фоиз жавоб беради.

ФАКТ: Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, чекишдан ўсмирларнинг воз кечишига сабаб бўладиган асосий усуллардан бири чекиш кашанданинг ташқи кўринишига салбий таъсир қилишига ишонтирилишидир.

НИМАДАН ВОЗ КЕЧАЯПСИЗ?

Умуман олганда, ҳеч қандай қадрли нарсдан воз кечмаяпсиз. Шунчаки овунчоққа айланган, ҳаёт тарзингизга ўрнашган олган ушбу иллатга қарши ўзингизда озгина истак етишмаяпти, холос. Сигарета чекишни ташлаб ҳеч нарсдан айрилмайсиз. Фақатгина «кўрқис» чекишдан воз кечишга ҳалақат бермоқда. Сиз роҳат ва мадад деб ўйлаётган, аслида ич-ичингизни кемираётган ушбу сигарета дончалари соғлигингизга қанчалик зарар келтираётганлигини биласиз, аммо унга қарши курашишга кўрқасиз.

Ҳар бир оила ўзининг бюджетини жиддий назорат остига олиши табиий ва зарур. Бюджетдан ташқари маблағларнинг эзгу ишларга сарфланиши ўзбек менталитетига хос бўлган ижобий ҳислатдир. Демак, келинг, чекувчи ота ва боланинг сигарета учун сарфлаётган йиллик харажатларини ҳисоблаб кўрайлик. Айни кунларда бир қути сигарета ўртача 1500 сўм атрофида. Ота-бола 1 кунда 1 қутидан чекса, кунига 3000 сўм, ойига 90.000 сўм, йилига 1.080.000 сўм сарфлар эканлар. Энди ўйлаб кўринг, шу суммага чекиш оқибатида орттирилган рақ касаллигини даволаб бўладими? Бўрттириб юбордингиз десангиз, қизиқиш учун суриштириб кўринг, шу суммага ҳеч бўлмаса ўпка касаллигини даволаб бўлармикан? Ундан кўра ушбу ортиқча пулларингизни хайр-эҳсон қилганингиз яхши эмасми? Тушунинг, сигарета бўшлиқни тўлдирмайди, балки уни яратади.

Жалолиддин КУТБИДДИНОВ

МУВАФФАҚИЯТНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ

Отаю она қатори ўзи емай, боласига тутадиган, ўзи киймай, фарзандига раво кўрадиган кишилар ҳақида ўйлаганимда кўпинча кўз ўнгимда устозлар гавдаланади. Бежизга ушбу касб эгалари матонат ва айни дамда меҳр тимсоли сифатида таърифланмайди-да.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбия соҳасини ривожлантиришга, у орқали ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда кўпинча кўрган, тажрибали устоз-мураббийларнинг ўрни беқиёс. Бугун кўплаб устозлар каби бор билими ва қалб кўрини шогирдларига улашиб келаётган мураббий Олимжон Қурбонов шу йил Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз фармонида кўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвони билан тақдирланди.

— Муваффақиятлар калити, аввало, ишончда, тинимсиз меҳнат ҳамда ғалабадан ҳам, мағлубиятдан ҳам ўзига яраша хулоса сабоқ ола билишида, — дейди устоз суҳбатда. — Ана шунда ҳар қандай инсон ўзидан яхши ном қолдириши мумкин.

Бу ҳикматомуз сўзларни устоз ҳар кун ўз шогирдларига такрорлайдиган ўғитидир. Аслида ҳар бир касб эгаси ушбу насиҳатни ўз ҳаётини шioriга айлантириб олса, арзийди.

Олимжон Қурбоновнинг болалиги Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида кечди. Беғубор болалик чоғларини эслар экан, Олим ака бир энтиқиб олди. «Болалигимда барча болалар сингари шўх, ўйинқароқ эдим, айни пайтда, мактабда баҳоларим аъло бўлган. Айниқса, жисмоний тарбия фанини ҳар гал орзиқиб кутардим.

— Спортга ҳавас отам Исोक Қурбоновдан ўтган. У киши ҳам Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаб, туманимизда дастлаб спорт мактаби, кейинчалик спорт клубида фаолият юритган тажрибали мураббий эдилар. Тумандаги биринчи спорт мутахассиси сифатида отамга кўпчилик спортсевар ёшларнинг ҳаваси келарди. Оилада 5 ўғилмиз. Табиийки, ўғил болалар эпчиллик ва чаққонлик талаб этиладиган, кўп ҳаракатли ўйинлар ўйнаб, улғайишади. Беш оғани барчамиз отамиздек бўлишга интилиб, вояга етдик, эркин ва юнон-рум кураши билан жиддий шуғулландик. Айниқса, укам — Осие чемпиони, икки маротаба Олимпиада ўйинлари иштирокчиси (Атланта 1996 йил, Сидней 2000 йил), «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

спортчи» Баҳодир Қурбоновда спортга иштиёқ жуда кучли бўлган.

Бўлажак спортчи «қаёққадир йўқолиб қолганида» отаси уни кўпинча қишлоқдаги футбол майдончасидан маҳалладош дўстлари билан тўп тепаётганда топарди. Ўша пайтда спортсевар отанинг кўнглидан ҳам, ёш ва ўйинқароқ болақайнинг кўнглидан ҳам келажакда етук спортчи бўлиш истаги ўтган бўлса, ажаб эмас.

Аввалига мактабда жисмоний тарбия дарсида фаол қатнашиб, синф ва мактаблараро ўтказиб туриладиган мусобақаларида фаол бўлган Олим ака 8-синфдан бошлаб, Самарқанд шаҳридаги спортга ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ҳозирги Самарқанд Олимпия захиралари коллежи)да билим олишни давом эттирди.

— Мактабда жисмоний тарбия ўқитувчимиз Анвар Аббосовнинг ҳар бир топширигини бирор камчиликларсиз бажаришга ҳаракат қилардим. Коллеждаги ўқитувчимиз Толиб Назаров ҳам қаттиққўллиги ва ўз навбатида меҳрибонлиги билан бизни ўзига боғлаб олганди.

Ёшлигиданоқ ушбу соҳага ўзгача меҳр қўйган қаҳрамонимиз 1994 йилдан буён мураббийлик фаолиятини олиб бормоқда. У 2001 йилгача «Ёшлик» спорт жамаиётида юнон-рум кураши бўйича сабоқ бериб келди. Сўнг 2005 йилгача республика Олимпия захиралари коллежида мураббийлик қилди. Ўша йилдан буён эса ушбу коллежда юнон-рум кураши бўлими бош мураббийи лавозимида фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда коллежнинг 60 нафар ўқувчиси Олим акадан юнон-рум кураши сирларини кунт билан ўрганмоқда.

— Устозимиз Олим акани нафақат муаллим, сирдош дўст, оғир дамларда далда берувчи дардкашимиз сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. Унинг насиҳатлари, кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда берган маслаҳат, йўл-йўриқлари деярли ҳар кун, ҳар бир қадамимизда асқотади, — деди Нурбек Ҳаққулов. — Жорий йил Сингапурда ўтказилган I Ёзги ёшлар олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қилдим. Очиги, мусобақада эришган ютуғимда мураббийимнинг меҳнати катта. Не-

гаки, унинг йўл-йўриқларисиз бронза медали соҳиби бўлолмасдим.

Тажрибали мураббий Олим Қурбоновнинг қўли остида спортнинг ўзига хос қирраларини кашф этган ёш курашчилар бугун дунё миқёсида ўтказилаётган турли нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2008 йили бўлиб ўтган Осие чемпионатида ўсмирлар ўртасида 17 мамлакат орасида ўзбекистонлик курашчилар умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашда устознинг ҳиссаси алоҳида бўлди. Бундан ташқари, мураббий Элбек Тожиев (2005 йилда Вильнюсда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 1-ўрин эгаллаган), Шерали Шодмонов (шу чемпионатнинг 3-ўрин соҳиби), Рустам Синдаров (2005 йили Россияда ўтказилган МДХ давлатлари биринчилигида 3-ўрин соҳиби) каби кўплаб чемпионларни тарбиялади. Умуман, унинг раҳбарлигида спортчиларимиз юнон-рум кураши бўйича 2008—2010 йиллар оралиғида 14та олтин, 6та кумуш ва 9та бронза медаллар шодасини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

— Олим ака коллежимизда салкам ўн йилдан буён фаолият олиб боради, — дейди республика Олимпия захиралари коллежи директори Мурод Алиев. — У киши шу давр оралиғида самимийлиги ва ўз касбига садоқати билан ўқитувчи-мураббийлар, шогирдлари ҳурмат-эъзозига сазовор бўлди.

Иш вақти тугаб бўлганда ҳам кўпинча Олим акани спортчи ёшлар орасида кўраман. Бу ҳолга мен қатори кўпчилик устозларимизнинг ҳаваси келади. Негаки, ёшлар қалбига йўл топиш, улар билан тил топишиш осон эмас. Олим ака шахс сифатида ҳам, ҳамкасб сифатида ҳам, мураббий сифатида ҳам ҳурматга, иззат-икромга лойиқ инсон. Дилида яхшиликни ўйлаган, ён-атрофидаги инсонлардан ёрдамни аямайдиган, шогирдлари камolini кўришни истаган мураббий эл-юрт ардоғига лойиқдир.

Ҳар бир соҳада устоз ва шогирд аънанаси устувор. Устозини қадрлаган шогирднинг ишида файз бўлади, худди шунингдек, устозларни қадрлаган эл ҳеч кимдан кам бўлмайди. Юнон-рум кураши бўйича фаолият юритиб, қатор шогирдларни камолга етказётган Олим Қурбонов эса ҳали яна юзлаб спортчи ёшларга ўз маҳорат ва тажрибасини улашиши, уларга тўғри йўл кўрсатиши, шубҳасиз.

Шаҳина ЖҲРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири



НАДАЛ ЮТҚАЗИБ ҚҲЙДИ

Сайёрамизнинг энг кучли ракеткачиси испаниялик Рафаэл Надал Хитойнинг Шанхай шаҳрида ташкиллаштирилган «Мастерс» туркумига кирувчи йирик халқаро турнирда қутилмаганда аламли мағлубиятни тан олишга мажбур бўлди.

Ютуқ жамғармаси 3,24 миллион долларни ташкил этувчи мажбур биринчилигида қарийб икки соатга чўзилган шиддатли матчда австриялик Юрген Мельцер у сет натижасига кўра, 1:6, 6:3, 3:6 ҳисобида зафар қўчди.

— Мен одатдагидек кортни ҳис қилиб ўйнашга интилдим, аммо ҳатолар ниятда кўпайиб кетди. Бунда ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиқганим яққол билинди. Рақибимни табриқлайман, у ғалабага муносиб эди, — деди Рафаэл ўз интервьюсида.

Айни пайтда Надал «Мастерс»нинг Парижда 7 ва 21 ноябрда Лондонда старт оладиган сўнгги икки турнирда муваффақиятли иштирок этиб, мухлислари ишончини оқлашга умид қилмоқда.

БУГУН — МАВСУМ МУШТПАШУВИ

Бокс бўйича WBC таснифи бўйича супер оғир вази тоифасида жаҳон чемпиони бўлмиш украиналик Виталий Кличко америкалик Шэннон Бриггсга мушталашувнинг биринчи ярмидаёқ ноқатга учратишга кўпчилик ишонч билдирипти, дея хабар берди «Новости».



Хусусан, ҳозирда россиялик олимпия чемпиони Александр Поветкинга мураббийлик қилаётган Тедди Атлас ҳам шундай фикрда. Маълумки, Атлас бир вақтлар Майк Тайсонга ҳам мураббийлик қилган. 39

ёшли Кличко ҳамда WBO таснифида собиқ жаҳон чемпиони 38 ёшли Бриггс иштирокидаги жанг бугун Гамбург шаҳрида ўтказилди.

Жанг узоғи билан тўрт раундга чўзилади, ундан узоқ бўлмайди, — деди ишонч билан Атлас. — Бриггс балки жисмонан кучлидир, бироқ Кличко ундан руҳан устун.

Эслатиб ўтамиз, Виталий Кличко профессионал рингта 2008 йили қайтди ва WBC чемпионлигини қайтариб олди.

ИТАЛИЯ АФЕЛЛАЙНИ КУТЯПТИ

Италиянинг «Ювентус» ҳамда «Интер» футбол жамоалари кишики трансфер мавсумида Голландиянинг «ПСВ Эйнховен» клуби ярим ҳимоячиси 24 ёшли Иброҳим Афеллайни ўз сафига қўшиб олиш ниятида, деб хабар берди «Football Italia» нашри.

Афеллай «Евро-2012» мусобақаси саралаш баҳсларининг гуруҳ босқичида Швеция термасига қарши ўтказган мазмунли ўйиндан сўнг италия клублари эътиборига тушди. Яқиний ҳисоб 4:1 ҳисоби билан тугаган матчда Афеллай ўз маҳоратини намойиш этганди.

Футболнинг «Эйнховен» жамоаси билан тузган шартномаси мuddати 2011 йилнинг июнь ойида ниҳоясига етади. Бу жамоада у 2003 йилдан буён тўп суради ва 148 матч ўтказиб, рақиблар дарвозасига 33та гол урган. Голландлар терма жамоасида эса 2007 йилдан буён тўп суриб, 30та матч ўтказди ва иккита голга муаллифлик қилган.

Ш.ЖҲРАЕВА тайёрлади.



Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида Германия давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Германия ҳафталиги доирасида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда юртимиздаги олий ўқув юртликлари талабалари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари, элчихона жамоаси ҳамда футбол фахрийлари иштирок этди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида «Бунёдкор» футбол жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов сўзга чиқиб, барча қатнашчиларга муваффақият тилаши мусобақага ўзига хос кўтарин-

ки руҳ бағишлади. Ана шундан кейин яшил майдонда 19та жамоа голиблик учун тўп сурди. Қизиқарли ва шиддатли кечган мусобақа яку-

Бухоро шаҳрининг 4-умумтаълим мактаби жамоаси эгаллади. Академик лицейлар ўртасида кечган қизгин ўйинлар натижасига кўра, шохсу-

1-сонли академик лицей жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

Фахрийлар ўртасидаги мусобақалар ҳам томошабинларда кучли қизиқиш уйғотди. Қизгин мусобақа якунида Самарқанд шаҳри фахрийлари голибликни қўлга киритди. Навбатдаги ўринни Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси жамоаси эгаллаган бўлса, совринли учинчи ўрин Самарқанд давлат чет тиллар институти жамоасига насиб этди. Мусобақа голиб ва совриндорларига Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси дипломи ва кубоклари топширилди.

Мамажон АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ГОЛИБЛИК УЧУН ТЇП СУРИШДИ

нида умумтаълим мактаб ўқувчилари жамоалари ўртасида биринчи ўринни Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби жамоаси, иккинчи ўринни Тошкент шаҳридаги 60-умумтаълим мактаби жамоаси қўлга киритди. Голиблик шохсупасининг учинчи поғонасини эса

панинг юқори поғонаси Самарқанд давлат иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей жамоаси, иккинчи ўрин Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей жамоасига насиб қилди. Самарқанд давлат университети қошидаги

Ҳурматли устозимиз Шаҳноза ҚОСИМОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилангизга бахт-саодат, келгусидаги педагогик ва раҳбарлик фаолиятингизга омад ёр бўлишни тилаб қоламиз.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 20-мактаб жамоаси



МИЛЛИЙ ҒУРУР, ИФТИХОР КОШОНАСИ

(Давоми. Боши 1-, 7-бетларда.)

Бўлажак ватан ҳимоячиларининг Она-ватанга садоқати, руҳий ва маънавий ҳолатини юқори даражага кўтариш, миллий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида Тошкент олий умумқўшин билим юрти, Ўзбекистон муҳофаазига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика «Офицерлар уйи» билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, музей экспозициясида мавзули экскурсиялар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда, ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда.

2010 йил — "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан республиканинг турли вилоятларидан келган 5000 нафардан зиёд ўқувчиларга bepul хизмат кўрсатилди.

Ҳозирги кунда, музейда асосий экспозиция билан бир қаторда "Дастхатлар", "Шоҳрухия топилмалари" "Темурийлар даври ренессанси", "Самарқанд 2750 ёшда", "Совғалар", "Баркамол авлод исътедоди" каби кўргазмалар намойиш этилмоқда.

Музей экспонатлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Францияда ўтказилган "Темурийлар ренессанси", Германияда ўтказилган "Экспо - 2000", Австралияда ўтказилган "Ёрқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси" каби халқаро кўргазмаларда намойиш этилди.

Музей жамоаси келгусида ушбу масканни республикада Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи ва тарғиб қилувчи асосий маънавий-маърифий, илмий марказга айлантириш, экспозициясини темурийлар даври тарихига оид ёдгорликлар билан бойитиш, чет эл музейлари билан янада яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро кўргазмалар ташкил этиш кабиларни мақсад қилган.

Саодат САИДХОНОВА,
Темурийлар тарихи давлат музейи
директорининг ўринбосари

Б.РИЗОКУЛОВ ва В.ГРАНКИН олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учи-
тель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-922.
Tiraj 25956.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Behzod
FAZLIDDINOV.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
Yul va aktyon — 21.10